O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ENOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, 17 июль, жума № 29 (2312). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, 17 июля, 2009 год, № 29 (2312). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ ҚУРОЛ-ЯРОҒ ВА ТЕХНИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ ҲАМДА ҚЎШИНЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ЖАНГОВАР ОПЕРАЦИЯЛАР ОЛИБ БОРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА СИНОВДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АМАЛДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ЕТАКЧИ ҲАРБИЙ-ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИГА АЙЛАНИШИ ДАРКОР.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 июль куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув томонларни қизиқтирган икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари хусусида фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

– Ташрифингизни икки мамлакатнинг узоқ муддатли манфаатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон билан амалий ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга АҚШ тайёр эканининг тасдиғи деб биламиз, – деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари халқаро ва минтақавий сиёсатни, жумладан, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид кенг кўламли масалаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилади.

Оқсаройдаги учрашувда У.Бернс самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси вице-президенти Датук Насаруддин ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош менежери Леан Страус 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда, жумладан, нефть-газ саноатида ҳамкорлик қилишга, сармоя жалб этишга бўлган қизиқишини тобора ошираётгани таъкидланди.

Музокарада ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, биргаликда қатор фойдали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» ва «Сасол» ўртасида Ўзбекистон Республикасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.


«Петронас» сармояси ва «Сасол» технологиялари асосида ишга юритадиган янги қўшма корхона мамлакатимизда қазиб олинадиган табиий газдан йилига 1,3 миллион тонна юқори сифатли синтетик суюқ ёқилғи – дизел ёнилғиси, керосин, нафта, суюлтирилган нефть гази каби маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Янги заводнинг маҳсулотлари ички бозорни тўлдириш билан бирга экспортга ҳам чиқарилади.

Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши «Ўзбекнефтгаз», «Петронас» ва «Сасол» нафақат геология-разведка ишларини ўтказиш ва конларни ўзлаштириш, балки мамлакатимизда нефть ва газни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш йўлида ҳам ҳамкорликни йўлга қўяётганидан далолатдир. Синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарадиган завод қурилиши Ўзбекистоннинг нефть-газ саноатини, жумладан, нефть кимёси соҳасидаги салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

– «Петронас» Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди, – деди Датук Насаруддин. – Имзоланган ҳужжат асосида йирик лойиҳага қўл урилмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали шерик компаниялар катта муваффақиятга эришишига ишонамиз.

«Сасол» делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА).



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.


Юртимиз асраймиз мардона, ҳушёр!

ШУ СОНДА

- Тўмарис вориси ўзбек аёли — 4
- Решили посвятить жизнь армии — 6
- Офтоб уришидан сақланинг — 9
- Турмуш чорраҳаси: Қайтарилган бахт — 10
- Метрода фойдаланиладиган уяли телефон — 11
- TV дастур — 12-13
- Энг баланд минора — 16
- Аҳоли бандлиги – фаровонлик омили — 17
- Оқил, соғлом фикрли инсонлар бахт эшигига рўбарў келади — 19
- На очереди – летняя олимпиада — 22



2 ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА
ЖАНГОВАР ШАЙЛИК – САБОҚ ВА ЮТУҚЛАР



6-7 АБИТУРИЕНТ–2009
МАРД ЙИГИТЛАР ОРЗУСИ БЎЙ ЧЎЗГАН КУН



8 ОИЛА ГУЛШАНИ
ВОЛИДА ҚУВОНЧИ БИР ОЛАМ




20-21 ТАНЛОВ
«БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР»

ЖАРАЁН

Дала-ўқув машғулотларида

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК – САБОҚ ВА ЮТУҚЛАР

Айни кунларда Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки руҳда давом этаяпти.



Инсон ҳаётини чексиз довонларга қиёслаш мумкин. Улардан бирини забт этсангиз, рўпарангиздан иккинчиси чиқади. Забт этиш баробарида ҳаётингизда янги-янги саҳифалар очилаверади. Эр йигит учун забт этилиши лозим бўлган довонлардан бири бу – ҳарбий хизматдир.

...Нишонга ўқ отиш майдончаси. Ўқув йили режасига асосан взвод шахсий таркиби дала машғулотини ўтказмоқда.

Шахсий таркиб отиш майдончасигача бўлган масофада тактик машғулотларни бажариб, қидирув, жанговар позицияни эгаллаш, маскировка, ҳужум, чекиниш бўйича яна бир бор маҳоратларини синовдан ўтказишди. Белгиланган жойга етиб келишгандан сўнг посбонлар гуруҳларга бўлиниб, ўқув нуқталарида машғулотлар бошланиб кетди. Отиш тайёргарлигида асосий эътибор муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга қаратилди.

– Аскарларимиз бунга қадар ҳам бир неча бор нишонга отиш машқларини бажаришган, – дейди взвод командири офицер Санжар Хожиалиев. – Улар билан малакали офицер ва сержантлар назарий ва амалий сабоқларни кўргазмали қуроллар асосида олиб боришган. Машқдан-машққа посбонларнинг маҳорати ошиб, натижалар ҳам яхшиланиб бораяпти.

Биринчи ўқув нуқтасида қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш машқи ўтказилаяпти. Бу машқ посбоннинг жанг вақтида қурол билан ишлаш маҳоратини ошириб, қурол билан боғлиқ носозликни бартараф қилишга ўргатади. Жанговар қуролнинг ишлаши, тузилиши ва механизмларини яхши билган аскарнинг нишонга отиш даражаси ҳам юқори бўлади.

– Мазкур машқни бажаришда дастлаб қийинчилик бўлган эди, – дейди оддий аскар Истам Анданиёзов. – Аммо ҳозирда маҳоратим анча ортди. Ҳозирда ўзимга бириктирилган қуролнинг ишлаш тартибини яхши биламан. Машғулотдан сўнг уни тозалаб, асраб-авайлашим вазифани аъло даражада бажаришимда жуда асқотмоқда.

Иккинчи ўқув нуқтасида техника хавфсизлиги қоидалари бўйича машғулот олиб борилмоқда. Унда кичик сержант Дилмурод Тожиев аскарларга қурол билан «муомала» қилиш, ундан тўғри фойдаланиш, нишонга отиш вақтидаги хавфсизлик қоидалари, қуролни ҳаракатланаётган жисм ва одамларга қаратмаслик, ўқ-доридан эҳтиёткорона фойдаланиш ҳақида тушунча бермоқда.

Учинчи ўқув жойида посбонлар жанговар позицияни эгаллаш, тик, ўтирган ва ётган ҳамда ҳаракатланган ҳолда нишонга отиш, қуролни ўқлаш ва ўқсизлантириш қоидалари билимларини ўрганмоқда.

Кейинги ўқув нуқтасида офицер Азиз Усмонов посбонларга қуролни ўқ отишга тайёрлаш машғулотини олиб бормоқда. Аниқроғи, посбонларга тунги ва кундузги ўқ отиш машғулотлари жараёнида керак бўладиган барча асбоблардан фойдаланиб, амалий сабоқ бераяпти.

– Ўқ отиш тайёргарлигидан олдин ўтказиладиган бу каби машғулотлар посбонларнинг нишонга бехато отишларини таъминлайди, – дейди сержант Акбар Мусурмонқулов. – Шунингдек, уларнинг амалий билим ва маҳоратларини янада бойитади. Машғулот давомида аскарлар қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш, нишонга бехато отиш, техника хавфсизлиги бўйича яхши натижани қайд этишаяпти. Бундан кўриниб турибдики, аскарлар бу машқларни мукаммал эгаллашга интилишган.

– Мен армиянинг ҳақиқатан ҳаёт мактаби эканлигига хизматга келиб, янада амин бўлдим, – дейди оддий аскар Жаҳонгир Рашидхонов. – Хизматга қизиқиш, иштиёқ билан келганман. Қисқа вақтда соҳам бўйича билимларимни бойитдим. Машғулотлар давомида командирлар сабоқларига эътибор қаратаман. Шу боис ютуқларга эришаяпман.

Оддий аскарлар – Роберт Арзиев, Акмал Орзиқулов, Ориф Маҳмудов, Соҳиб Нурметов, Дониёр Алмитов, Хайрулло Чориев, Санжар Намозбоев, Исмоил Мухторовлар машқни аъло баҳога бажаришиб, сафдошларига ўрнак бўлишди.

Ҳа, юртимнинг мана шундай мард ва жасур, маҳоратли ва ишончли посбонлари бор экан, тинчлигимиз ва осойишталигимиз кафолатланади.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



HAFTADAN HAFTAGACHA

Юртимизда соғлом авлодни камол топтириш учун барча шарт-шароит ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доимий эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотларга бағишланган семинарда шулар ҳақида гап борди.

Тадбирда мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганлиги алоҳида таъкидланди. Болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

●

Пойтахтимизда ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистонда "Zenith Electronics" қўшма корхонасида "LG Electronics" маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга оширишга оид ахборот тақдим этилди. Унда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, "LG Electronics"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва "Zenith Electronics" қўшма корхонаси раҳбарлари иштирок этди.

"LG Electronics"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Чой Де Хо биноларда ҳавони айлантириш ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланган ушбу компания Ўзбекистонда ўз маҳсулотларини сотишнинг комплекс дастурини амалга оширмоқда, деб таъкидлади. "LG Electronics" ваколатхонаси Тошкентда 12 йилдан буён самарали фаолият кўрсатмоқда. Шу йиллар мобайнида «LG» маҳсулотлари дилерлари ва сотувчиларининг кенг тармоғи ташкил этилди. Фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 18 та сервис марказидан иборат тармоқ шакллантирилди, ўзбекистонлик харидорлар учун уч йиллик кафолат муддати тақдим этилган.

●

Фарғона шаҳрида давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга бағишланган тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонни ривожлантиришда АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кўмаклашиш» лойиҳаси (ICTP) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Тренингда АКТ соҳасидаги ахборот ресурслари ва хавфсизлик, АКТга оид қонунчилик, давлат интерактив хизматларини ривожлантириш, шакллантириш ва жорий қилишга оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига доир маърузалар тингланди.

●

Жиззах шаҳри кўчаларида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган янги «Исузу» автобуслари қатнай бошлади.

«Жиззах такси саройи» акциядорлик жамияти лизинг асосида сотиб олган 39 янги автобус Жиззах автовокзали ва Эски шаҳар бозори йўналишида хизмат кўрсатаётир. Замонавий русумдаги, шинам ва ҳар томонлама қулай бўлган янги автобуслар қатновининг йўлга қўйилиши шаҳар аҳли учун катта қулайлик яратди.

Жиззах вилоятида йўловчиларнинг транспорт турларини танлаш имконияти яна кенгайди. Йўналишлардаги троллейбус, микроавтобус, таксилар, ўтган йилларда олинган янги «ПАЗ» автобуслари қаторига «Исузу» автоуловларининг қўшилиши рақобатнинг кучайишига, хизмат сифатининг яхшиланишига олиб келади.

«Жиззах такси саройи» акциядорлик жамияти билан Самарқанд автомобиль заводи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, вилоятга янги «Исузу» автобусларини келтириш давом этаётир. Йил охиригача бу русумдаги автобуслар сони юзтага етади.

●


Музработ тумани Шариф Бобоев номидаги маҳаллада «Музработтрикотаж» масъулияти чекланган жамияти томонидан 150 минг АҚШ доллари қийматидаги тикувчилик корхонаси фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида олтмиш нафарга яқин қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ЖЎШҚИН МЕҲНАТИМИЗ – МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА





Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. У биз учун энг улуғ ва энг азиз қадрият бўлган байрам – Мустақиллик куни арафасида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиб, бу байрам юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун миллий ифтихор, ғурур, шараф ва қадр-қимматнинг ёрқин намойиши, унинг Ватан шарафи йўлидаги олижаноб интилишлари, ютуқ ва муваффақиятлари манбаидир.

Қуролли Кучларимизда ҳар биримиз учун энг улуғ ва энг қадрли бўлиб қолган ушбу айёмни жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, жанговар маҳоратни такомиллаштириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашдаги муваффақиятлар билан кутиб олиш яхши анъанага айланган. Ушбу анъанага содиқ бўлган аскарлар, сержант ва офицерлар Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини ошириш, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар. Юртбошимиз Қарори аскарларнинг кундалик меҳнатига янгича куч бағишлади, уларнинг ўз мустақил Ватанига бўлган муҳаббат ва садоқатини янада мустаҳкамлади ҳамда уларда Ватан фаровонлиги учун фидокорона хизмат қилиш, қадрдон юрт сарҳадларини ҳимоя қилишдек олижаноб ишга ўзининг бор куч, қувват ва тажрибасини бериш учун табиий интилиш ҳиссини уйғотди.

Мустақиллик байрами биз – ўзбекистонликлар учун алоҳида аҳамият касб этади. Биз учун мустақиллик бу – давлатимизнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, бизнинг фаровонлигимиз, тинчлик ва барқарорлигимиз, ўз-ўзимизни англаш даражасининг ошиши, инсон манфаатлари ҳимояси, шахснинг ҳар томонлама ривожланиб бориши гаровидир. Бу миллий хавфсизлигимизнинг мустаҳкамланиши ва дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш деганидир.

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида нафақат иқтисодий жиҳатдан кучайди, балки иқтисодий, илмий, маънавий, интеллектуал, маданий жиҳатдан ҳам янада қудратли давлатга айланди. Пойтахтдан тортиб, то узоқ-узоқдаги қишлоқларгача бутунлай ўзгарди. Бугунги кунда замонавий мустақил Ўзбекистон қиёфасини Асака автогиганти, Бухоро нефтни қайта ишлаш, Қўнғирот сода, Самарқанд автобус заводлари, Навоий, Ангрен ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Шўртангазкимё мажмуи каби замонавий макроиқтисодиёт гигантлари, шунингдек, саноатнинг енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларига қарашли ўнлаб, юзлаб корхона, фабрика ва заводлар, юртимизнинг ҳар бир гўшасида қурилаётган янги маҳобатли бинолар ва уй-жойлар, замонавий мактаб, лицей ва коллежлар, кўприклар, йўллар, янги кўчалар, парк ва хиёбонлар белгилаб беради.

Мустақиллик сифат жиҳатидан тубдан ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги ва энг янги технологияларни жорий этиш учун кенг имкониятлар яратди. Саноқли йиллар мобайнида бутун мамлакат ўзгарди, одамлар, уларнинг ҳаёт тарзи, тафаккури ва дунёқараши ўзгарди.

Сўнгги беш йил ичида иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ўртача 8 фоиздан ортиқ бўлди, 2009 йилнинг 1 чорагида эса 7,9 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиёти учун шунингдек, экспорт ва инвестицияларнинг барқарор ва юқори суръатларда ўсиб бориши, савдо ва тўлов балансларидаги ижобий сальдо, давлат бюджети профицити ҳамда олтин-валюта захираларининг барқарор ўсиб бориши ҳам характерлидир.

Юртбошимизнинг модернизация ва диверсификация қилиш, мунтазам техник янгилаш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳақидаги ғамхўрлиги бу – иқтисодий сиёсат муваффақиятининг асосидир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган ҳозирги даврда биринчи навбатда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мамлакат ривожланишидаги устувор йўналиш бўлган ва бўлиб қолаётган давлатлар муваффақиятга эришадилар.

Жаҳон инқирози шароитларида, Юртбошимизнинг оқиллиги, Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўзига хослиги – мустақиллигимизнинг, унинг чексиз имкониятлари ва улкан маънавий-ахлоқий қудратининг ажралмас қисмидир. Айнан шу барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларимиз асосини ташкил этиши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарор муаммо ва масалаларнинг кенг мажмуини очиб беради, маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, аскарий, ҳуқуқий тарбия ва маданий-маърифий тадбирларнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Улардан эса бир қатор фундаментал (асосий) қоидалар келиб чиқади ва бизнинг ташкилотчилик ҳамда тарбиявий ишларимиз шулар асосида олиб борилиши лозим. Ушбу фундаментал қоидалар режаларимиз ва дастурларимизни мувофиқлаштириш ва аниқлаштириб олиш, тарбиянинг энг самарали ва таъсирчан шаклларини излашни талаб этади. Бу эса ўз навбатида командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, барча офицер ва сержантлардан доимо энг муҳим, ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган иккита омилни кўзда тутишни талаб қилади.

Биринчи омил. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаати ҳамда дунё ва минтақадаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият таҳлилидан келиб чиқади. **«Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг қўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон кескинлигича қолаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.**

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда», деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Кўриб турганимиздек, бугунги кунда ҳарбий-сиёсий воқеликлар шундай тус олганки, улар бизга хотиржам, бепарво ва бегам бўлиш, талабчанликни бўшаштириш ҳуқуқини бермайди. Бундан ташқари, улар **тинчлигимиз ва барқарорлигимизга нисбатан ҳарбий хавфнинг сақланиб турганлигидан огоҳ этади.** Бу эса биздан қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигига, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлигига, умуман олганда – Қуролли Кучларимизнинг барча турлари ва хилларининг салоҳияти ва жанговар қобилиятини оширишга эътиборни янада кучайтиришни талаб этади.

Бошқача айтганда, Қуролли Кучларимиз тезкор, локал операцияларни амалга ошириш, алоҳида босқинчи тўдалар ва якка террорчиларга самарали қаршилик кўрсатиш, диверсиячи-террорчи гуруҳларни тезкор зарарсизлантиришга тайёр бўлишлари лозим. Снайперлар, пулемётчи ва гранатомётчиларни тайёрдаш, тоғлик жойлар, аҳоли пунктларида, тунги шароитларда жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларини пухта эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ёзги жанговар ўқув бу – тактик машғулотлар, тактик-махсус, тактик-техник ва бошқа машқлар давридир. Уларни ташкил этишда доимо шуни ёдда тутиш зарурки, **тинчлик давридаги тактик машқлар бу – таълимнинг юқори шакли, чўққиси** бўлиб, уларнинг асосини аввало мамлакат Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг машқларнинг уюштирилиши ва тактик мақсад реал жанговар шароитга максимал яқинлаштирилган бўлиши лозимлиги борасидаги талаби ташкил этиши зарур. Демак, режалаштириш ҳам, жангни ташкил қилиш ҳам, таъминотнинг барча турлари ҳамда қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлигини таъминлаш ҳам ана шунга қаратилган бўлиши лозим.

Иккинчи омил. Ҳушёрлик ва жанговар шайлик, жанговар ва тезкор тайёргарлик сифатини, қўшинларнинг уюшқоқлиги ва тезкорлигини ошириш борасидаги бугунги кунда олдимизда турган вазифалар шахсий таркибга таълим бериш ва тарбиялаш бўйича амалий фаолиятимизни такомиллаштириш, тарбиявий ишларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишни талаб қилади. **Бу ишнинг асосини мустақиллигимизнинг 18 йиллигига тайёргарлик кўриш борасидаги тадбирлар ташкил этиши лозим.** Янгиликларни излаш, эскирган, ўз мазмун-моҳиятини йўқотган тушунчалардан воз кечиш, қўшинлар ҳаётига ахборот-коммуникация ва компьютер технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларига асосланган ўқитишнинг замонавий техник воситаларини, энг янги тренажёрлар ва замонавий полигон жиҳозларини жорий этиш билан боғлиқ бўлган ҳарбий ислоҳотлар даври ортда қолди. Таълим ва тарбия, ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва армиямизнинг муҳим бўғинига айланган сержантлар таркиби ролини ошириш даврини бошдан ўтказдик. Эндиликда барчамиз мустақилликни объектив ва субъектив омиллар ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилувчи қизғин ривожланиб бораётган жараён сифатида тушуна бошладик. Бунда субъектив омил, яъни инсоннинг, шахснинг роли беҳад ортиб боради. Бу нафақат инсоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишдаги, санъат, маданият, спортни ривожлантиришдаги роли, **балки мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа масалаларини ҳал қилишдаги роли** юксалиб бориши билан ҳам изоҳланади. Буларнинг барчаси биздан ҳозирги нотинч даврда ўз саъй-ҳаракатларимизни кучайтиришни, барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва Қуролли Кучлар жанговар шайлигини такомиллаштириш вазифаларини ҳал қилиш борасидаги ишчанлик кайфиятини оширишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳар бир ҳарбий хизматчини унинг олдига қўйилган вазифаларни сифатли ва сўзсиз бажаришга ундовчи куч, бурч амри бўлиши лозим.

Шу сабабли, Юртбошимиз Қароридан келиб чиқувчи энг биринчи вазифа – аскар, сержант, офицернинг ички имкониятларини уйғотиш, уларни ҳақиқатан фаол, масъулиятли, ўз ватанпарварлик бурчини намунали бажаришдан манфаатдор қилишдан иборат. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳар қандай, шу жумладан, вазиятнинг экстремал шароитларида ҳам ўз вазифасини профессионал ҳамда аниқ бажарувчи ягона, яхши ташкил этилган механизмдаги зарур ва муҳим бўғин эканлигини чуқур англаб олишига эришишимиз зарур.

Бугунги кунда ҳарбий жамоалар ички ҳаётининг маънавий-ахлоқий фаоллигини ошириш ва шу асосда ҳарбий хизматчиларда илғорлик, пешқадамлик ҳиссини шакллантириш ҳам жуда муҳим. Аскар қаерда бўлмасин, мамлакатнинг қайси минтақасида хизмат бурчини ўтаётган бўлмасин, у доимо ҳушёр, шай, сезгир бўлиши, Ватанини, ўз халқининг тинч-осойишта ҳаётини ҳар лаҳзада ҳимоя қилишга шайликни ўзига сингдириб олиши лозим.

А. ХЛИЗОВ.

МАЛАКА

С полей боевой учебы

В СЛАЖЕННОМ РИТМЕ

В частях и подразделениях Министерства обороны боевая учеба в самом разгаре. Ежедневно, согласно планов боевой подготовки, военнослужащие в ходе занятий в учебных классах и на полевых выходах совершенствуют и приумножают свои профессиональные навыки, морально-волевые качества.

Команда на выдвижение в заданный район и уничтожение условного противника не застала врасплох батарею капитана Одилжона Иминова.

В установленное нормативом время подразделение покидает полевой лагерь и убывает в заданный район для занятия огневых позиций.

Командиры орудий получают задачи на развертывание, указания по направлениям стрельбы.

...Водитель рядовой Шахобиддин Наркулов доставляет орудие на указанную позицию. По команде сержанта Мухаммада Туропова расчет покидает машину и молниеностно принимается переводить орудие из походного в боевое положение.

...В момент доклада о готовности останавливается стрелка секундомера. При взгляде на циферблат становится ясно: воины не подвели, а все их действия направлены на качественное выполнение норматива.


В боевой работе не бывает мелочей, все должны работать точно и слаженно. Ведь это главные критерии, определяющие уровень боевой готовности артиллеристов.

Для рядовых, старшего наводчика Санжара Таджибаева, номера расчета Фарруха Хайруллаева, заряжающих Тургуна Юлдашева и Рахмонали Миразизова, этот полевой выход стал первым испытанием на воинскую зрелость.

Как только орудия заняли свои места на огневых позициях, началась работа по построению параллельного веера. Один за другим расчеты подтверждают получение данных для стрельбы.


–Тема занятий в ходе лагерного сбора весьма актуальна для нашего подразделения в совершенствовании боевой выучки артиллерийских расчетов, – говорит капитан Фирдавс Умаров. – В ходе полевого выхода все занятия проводятся с учетом современных требований к ведению боевых действий.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

















ТЎМАРИС ВОРИСИ ЎЗБЕК АЁЛИ

Ўн саккиз ёшни қаршилаётган истиқлолимиз самаралари бугун ҳар жабҳада бўй кўрсатиб турибди. Шу жумладан, Қуролли Кучлар тизимида ҳам. Масалан, ўзбек қизлари, аёлларининг эгнига ҳарбий либос кийиб, Ватан ҳимояси йўлида эр йигитлар қаторида хизмат қилаётгани истиқбол меваси. Ҳа, Тўмарисдек аждоди бор бу элнинг нафақат эрлари, балки аёллари ҳам Ватанни жон қадар асрашга қодир эканлигига тарих гувоҳдир.

Шоир айтганидек:

Бир хилқатки, унда нурни англайсиз,
Она деган бахт, сурурни англайсиз,
Элу юртнинг ори унинг қўлида,
Ватан деган шаън, ғурурни англайсиз,
Тўмарис вориси ўзбек аёли.

Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган кичик сержант Ирода Давлетова мана шундай оловқалб аёллардан. Унинг Ватан ҳимоячилари сафида хизмат қилаётганига ҳам мана, етти йил бўлаяпти.

Хоразмнинг Қўшкўпир туманида вояга етган қизнинг тақдир йўллари ҳарбий йигит билан боғланди. Ўша онлардан бошлаб унинг келажак орзуси ҳам ўзгарди, десак хато бўлмас. Яъни турмуш ўртоғи каби юрт тинчлигига камарбаста бўлишни ихтиёр этди. Бу борада унга онаси Дилбар опа яқиндан ёрдам берди, руҳан таянч бўлди.

– «Касбим – фахрим», деб бежиз айтишмас экан. Мен ҳам касбим сабаб кўп нарсага эришдим, – дейди Ирода фаолияти ҳақида сўз юритар экан.– Аввало ҳарбий либосга эга бўлиб, ҳарбий хизматчилар сафида Ватан ҳимоясига ҳисса қўшаётганимнинг ўзи улкан бахт. Қолаверса, ғайратли, қатъиятли ва иродали сафдошларимга муносиб елкадош бўлиш учун бор имкониятимни ишга солдим. Инсон чин дилдан ҳаракат қилса, кўп нарсага эришар экан. Ҳозирда алоқа бўлимида фаолият юритаяпман. Кичик сержант Гуля Собирова каби соҳа профессионалларидан алоқачилик касбининг сир-асрорларини эгалладим.

Сафдош дўстларим катта сержант Мурод Ерназаров, кичик сержант Алла Ганчарова, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Гулчеҳра Расуловалар билан бир-биримизга таянчмиз.

Касбимнинг масъулиятли қирралари кўп. Алоқани соҳанинг қон томири, дейишади. Шу сабабли ишга масъулият билан ёндашиб, алоқани тез ва сифатли таъминлашга, навбатчиликда ҳушёр, аниқ хатти-ҳаракат қилишга интиламан.

Оналик, бекалик вазифамни ҳам ўз ўрнида уддалаяпман, деб ўйлайман. Мен хизматда эришган ҳар бир муваффақиятим учун аввало турмуш ўртоғим ва устозларимдан миннатдорман.

Бугун ўзбек аёллари ҳар жабҳада илғор, ҳар жабҳада намоён. Ҳарбий либос кийиб, юрт тинчлигини, истиқлолимиз барқарорлигини асрашни шараф деб билганлар эса янада эъзозга муносиб.

Зулфия НОСИРОВА.

САРҲАД

ХИЗМАТДА НАМУНА КЎРСАТИБ

ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли подполковник Анвар Бердиев етакчилик қилаётган ҳарбий қисм хизматчилари ўзларига юклатилган жанговар вазифаларни сидқидилдан бажаришда фидойилик кўрсатиб, касб маҳоратларини ошириб боришмоқда. Назоратчилар гуруҳи командири катта сержант Норбек Ҳайдаров айнан шундай посбонлардан бири.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтимдаёқ ўз ҳаёт йўлимни танлаб бўлган эдим, – дейди қаҳрамонимиз. – Қолаверса, оиламизни ҳарбийлар оиласи, деб бемалол айтиш мумкин. Акаларим қоровул қўшинлари сафида хизмат қилишган. Мен ҳам уларга ёшликдан ҳавас қилиб, шу шарафли касбни эгаллаганимдан фахрланаман.

– Катта сержант Норбек Ҳайдаров ҳарбий қисмнинг энг илғор сержантларидан, – дейди қисм командири. – У жанговар хизматда ҳам, жамоат ишларида ҳам ҳамкасбларига доимо ўрнак. Норбек касбига бўлган садоқати ва ўзига ишониб топширилган топшириқларни бажаришдаги маҳорати, ёш сафдошларига жанговар хизмат сирларини пухта ўргатиб бориши билан жамоамизда алоҳида ҳурмат ва эътиборга эга. Жанговар хизматда эришган ютуқлари қўмондонлик томонидан муносиб тақдирланиб, яқинда унга катта сержант унвони берилди.

Ҳеч бир соҳада ўз касбини севмай, бирон ютуққа эришиб бўлмайди. Норбек ҳам устозларидан ўрганган пухта билим ва тажрибасига суянган ҳолда, қўл остидагиларга машғулотлар ўтиш жараёнида ҳарбий интизомга, ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик, айниқса саф тайёргарлигига катта эътибор қаратади.

Лавҳамиз қаҳрамони нафақат жанговар хизматда ўрнак, балки оилада ибратли ота ҳамдир. Турмуш ўртоғи Розияхон билан икки нафар ширидан-ширин қизалоқларни тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Лавҳамиз қаҳрамонининг машаққатли ҳамда шарафли касбида ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўқув-услубий йиғин

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармасида ҳарбий қисм ва бўлинма командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шахсий таркиб билан ишлаш бўлинмалари бошлиқларининг ижтимоий-ҳуқуқий ва ҳарбий интизом бўйича катта ёрдамчилари ҳамда қисм катта суриштирувчилари иштирокида ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди.

Йиғилишни қоровул қўшинлари қўмондони полковник Д.Пан кириш сўзи билан очар экан, посбонлар ўртасида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, уларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги командирларнинг хизмат фаолияти, офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш, ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳарбий прокуратура ва ҳарбий суд ходимлари билан ҳамкорликда турли профилактик тадбирлар ўтказилиши бугунги кунда ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.


Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ходими, адлия катта лейтенанти И. Ҳалилов кун тартибидаги масала юзасидан суриштирувчиларнинг ваколатлари тўғрисида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда жанговар хизмат фаолияти ва ҳарбий интизом бўйича яхши натижаларга эришаётган ҳарбий қисм ва бўлинма командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари сўзга чиқиб, тажрибалари билан ўзаро ўртоқлашишди.

Тадбир сўнгида, Қоровул қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Мухтаров сўзга чиқар экан, ўтказилган ўқув-услубий йиғинда кўрсатиб ўтилган ютуқлар ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш борасида қўшинлар олдига қўйилган муҳим вазифаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Катта сержант Б. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ГОТОВИТЬ ПАТРИОТОВ



Общеизвестно, что одной из основных форм политического воспитания воинов являются регулярно проводимые занятия по общественно-политической подготовке. В Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан, Президент И. Каримов особо отметил, что «дальнейшего совершенствования требует морально-психологическая, политическая подготовка военнослужащих».

Это указание Президента стало руководством к действию для офицеров караульных войск. Повсеместно в частях уделяется должное внимание повседневной общественно-политической учебе личного состава, ее дальнейшему улучшению, ибо сегодня, как никогда, особо остро стоит задача воспитания духовно богатых, идейно закаленных и нравственно здоровых воинов, подлинных патриотов своей страны.

Вот и офицер Х. Юлдашев, удостоенный в прошлом году высокой награды Родины – медали «Шухрат», добивается в подчиненных подразделениях стройной система организации и проведения общественно-политической подготовки личного состава. Здесь хорошо понимают, что качество проводимых занятий и их действенность на умы и сердца воинов определяются степенью готовности к ним руководителей групп, их авторитетом, глубокими и прочными знаниями, компетентностью, эрудицией по самому широкому кругу вопросов. В части регулярно проводят с руководителями групп и их помощниками семинары и инструктивно-методические сборы. Опытные офицеры-воспитатели оказывают помощь в подборе рекомендуемой и дополнительной литературы по изучаемым темам, написании конспектов и развернутых планов занятий, подготовке наглядных пособий. Стала правилом обязательная проверка старшими начальниками накануне проведения занятий готовности к ним каждого руководителя группы, периодическое присутствие на занятиях и проведение, так называемых, открытых уроков с последующим их коллективным обсуждением. Все это, безусловно, дает положительные результаты: по итогам недавно проведенных контрольно-проверочных занятий общая оценка части по общественно-политической подготовке – «хорошо».

Всегда активны на занятиях такие военнослужащие, как рядовые по контракту Д. Бозоров, А. Буликбаев, младший сержант К. Юсупбаев, старший сержант Н. Хайдаров, солдаты срочной службы рядовые О. Сулаймонов, И. Кучкаров, О. Муминов и многие другие, стремящиеся получить отличные знания.

На сегодняшний день наиболее организованно общественно-политическая подготовка проводится во взводе старшего лейтенанта М. Касымова. Передовыми руководителями групп в части являются также лейтенанты Б. Турсунов, Д. Бахтияров и Д. Эргашев. Они методически правильно проводят занятия, интересно, грамотно и доходчиво излагают содержание изучаемых тем, стремятся не просто сообщить какие-либо данные или положения, а сформировать у воинов их оценку, прочные нравственные качества и личную убежденность в правоте дела, которому они служат.

Большим подспорьем в повышении общественно-политических знаний воинов, глубоком осознании каждым из них актуальных вопросов современной политики и международной обстановки, необходимости высокой бдительности и постоянной боевой готовности, служат и другие мероприятия воспитательной работы. Такие, как ежедневно проводимые слушания последних известий по радио, просмотр телепередачи «Ахборот» и ознакомление военнослужащих с материалами периодической печати. Офицеры активно участвуют в проведении этих мероприятий. Они не только создают для их организации необходимые условия, но и сами приходят к воинам, разъясняют, комментируют отдельные моменты, отвечают на возникшие вопросы.

Постоянная внимание к общественно-политической подготовке и забота о повышении ее результативности в воспитательном процессе способствуют тому, что личный состав части с чувством высокой ответственности выполняет свой воинский долг, поставленные служебно-боевые задачи, проявляет высокую организованность и дисциплину.

Николай ЧУРСИНОВ,
ветеран войск.
Фото **автора.**

ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР – ЭРТАНГИ ПОСБОНЛАРИМИЗ

Бугун юртимизда ёш авлод тарбиясига улкан эътибор қаратилиб, зарур шароитлар яратилиб берилган. Улар бундайин ғамхўрликлардан унумли фойдаланишиб, эртанинг муносиб давомчилари бўлишга интилишмоқда.

Хоразм вилоятидаги коллеж ва лицейларда чақириқ ёшидаги ўқувчи ва талабалардан иборат «Ёш чегарачилар» клублари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда 10дан ортиқ «Ёш чегарачилар» клубига 150 нафарга яқин сараланган ўсмирлар аъзо бўлишган. Клуб аъзолари тез-тез чегарачилар ҳузурига ташриф буюришиб, уларнинг хизмат фаолиятлари, яратилган шароитлар билан яқиндан танишишади.

Армиямиз таянчи ва суянчи ҳисобланган кичик командирлар йигитларга турли йўналишлар бўйича маълумотлар беришиб, илк ҳарбий кўникмага эга бўлишларига кўмаклашишмоқда. Шунингдек, турли байрам ва тантаналарда клуб аъзолари ўз дастурлари билан иштирок этиб келишяпти. Шу кунларда улар мустақиллигимизнинг 18 йиллиги тантаналарига жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, улар билан «Мустақиллик – олий неъмат», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркиби, қўшин турлари», «Муддатли ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар», «Армия – мустақиллигимиз ва ҳудудий яхлитлигимиз таянчи», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Йигитлар халқнинг мақтови, кўрки» каби мавзуларда давра суҳбатлари олиб бориляпти.

Жорий йилда «Ёш чегарачилар» клуби аъзоларининг аксарияти муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун республикамизнинг турли вилоятларига жўнаб кетдилар. Қувонарлиси, ана шу ёшларнинг кўпчилиги МХХ чегара қўшинлари сафида хизмат қилишмоқда. Ишончимиз комилки, сафларга қўшилган ўғлонлар Ватанимиз осудалиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидойилик билан хизмат қиладилар.

Майор Х. ЎРАЛОВ.



АБИТУРИЕНТ–2009

МАРД ЙИГИТЛАР ОРЗУСИ БЎЙ ЧЎЗГАН КУН

«Давлатимиз раҳбариятининг фарзандларимизга яратаётган шарт-шароит, имкониятларини қаранг. Офицер бўлиш учун тест синовларини бошқа олий ўқув муассасаларидан олдинроқ топширишадиган бўлишди. Омади чопмаса, билимини бошқа ўқув муассасасига ҳужжат топшириш билан синаб кўради». Тўрт йил олдин икки отанинг ўзаро суҳбатидан ёзиб олган эканман, бу фикрларни. Бугун мазкур янгилик, унинг аҳамиятини кенг жамоатчилигимиз яхши билади.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинганига ҳам тўрт йил бўлибди. Мазкур ҳужжатнинг муҳим томони, унда ҳарбий билим юртларига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилишнинг ўзгартирилган, янги муддатлари белгиланганидадир. Яъни абитуриентларнинг ҳар йилги тест синовлари 10 июлда, курсантларни олий ҳарбий таълим муассасасига қабул қилиш 15 июлда ўтказилиб келинмоқда.

Хўш, Фармойиш туфайли тизимни такомиллаштиришдек мақсад йўлида нималарга эришдик?

Аввало мазкур ҳужжат олий ҳарбий таълим муассасаларини курсантлар билан тўлдириш сифатини янада яхшилаш учун пухта тайёрланган ёшлар орасидан номзодларни танлаб олиш имкониятини янада такомиллаштиришга замин яратмоқда. Қолаверса, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун тест синовларидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув юртларига ҳужжат топширишга улгуришмоқда. Мана шу омилнинг ўзиёқ ёш авлодга давлатимиз томонидан яратилаётган муҳим имкониятларни яна бир бор намоён этади.

Яхши биламиз, ҳарбий ўқув юртларимизда таълим тизими тубдан ўзгарган, уларда бўлғуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципиал жиҳатдан мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос, нодир тизими яратилгани туфайли миллий армиямиз профессионал асосда шаклланяпти. Табиийки, бунда юқорида тилга олинган Фармойишнинг ҳам муҳим аҳамияти бор.

Қаранг, курсант бўлган йигит еру кўкка сиғмаяпти. Аммо бир нарсани унинг қулоғига айтиб қўйиш керак. Бугун офицер бўлиш учун ниятнинг ўзи камлик қилади. Бугуннинг офицери нафақат жисмонан баркамол, балки юксак ақл-заковатга, интеллектуал салоҳиятга эга бўлмоғи керак. Салоҳиятли офицерда ҳарбий малака, ҳар қандай шароитда ҳам оқилона қарор қабул қила олиш санъати шаклланади. Яна бир гап, офицер – командир ишончни оқлай биладиган бўлмоғи даркор. Касбидан фахрланса, ғурурланса, Ватан ҳимоясини ҳамма нарсадан устун қўйса, сафдошлари унга ишонишади. Ундан ибрат олишади.

Ўз мухбиримиз.

БАЛЛ-ПРОХОДНОЙ!

За последние годы, в ходе масштабного реформирования Вооруженных Сил Республики Узбекистан, профессия офицера Вооруженных Сил стала не только традиционно почетным выбором, но и престижным социальным ориентиром у молодежи.
Ежегодный возрастающий конкурс в ВВОУ наглядное тому подтверждение, отмечают специалисты.

Отбор кандидатов на право стать курсантом высшего военно-учебного заведения становится все серьезнее. Категории кандидатов самые разнообразные: от гражданской молодежи до военнослужащих срочной военной службы и по контракту.

В целях содействия молодежи, изъявившей намерение поступать в высшие военно-учебные заведения страны, оказывается всемерная консультативная помощь.

Отделы по делам обороны районов и областей регулярно организовывают для учащейся молодежи, изъявившей желание связать свою дальнейшую жизнь с Вооруженными Силами встречи и беседы за «круглые столом». Кроме того, потенциальным абитуриентам предлагается подробная информация по профилям и специальностям обучения каждого высшего военного образовательного учреждения.

10 июля в высших военных образовательных учреждениях страны прошли тестовые испытания.

В течение нескольких дней абитуриенты пребывали в ожидании мандатной комиссии...

За своего сына Сардора Халикулова, Акром-ака и Марифат-апа Арзикуловы безмерно рады: он у них в числе поступивших на летный факультет Джизакского высшего военного авиационного училища. Его упорство и подготовка позволили набрать проходной балл.

– Признаться, - говорит Марифат-апа, - очень переживала за сына. – Еще с юных лет он увлекся авиацией, вся его библиотека была заполнена различными книгами об автобиографических рассказах знаменитых летчиков, самолетах и вертолетах. С мужем мы всегда ему говорили правду, что лишь одного интереса и желания недостаточно, нужно серьезно и много готовиться, работать над собой, повышать образовательный уровень.

- Выбор сына я поддержал сразу, - добавляет Акром-ака, - но считаю, что у поступивших абитуриентов сейчас эйфории быть не должно. Профессия военного летчика очень серьезная и ответственная стезя. Как говорится, небо ошибок не прощает. Всем успешно поступившим в ВВОУ ребятам желаю успеха в предстоящей нелегкой курсантской учебе. А тем, кому удача в этой абитуриентской кампании пока не улыбнулась, не огорчаться. Балл обязательно будет проходным!

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

РЕШИЛИ ПОСВЯТИТЬ ЖИЗНЬ АРМИИ

В высших военно-образовательных учреждениях Министерства обороны 10 июля прошли вступительные тесты, где молодые люди доказывали свое право на овладение гордой профессией защитника Родины.

Вот и возле главного учебного корпуса Ташкентского университета информационных технологий (ТУИТ) в тот день было необычайно многолюдно. В это утро сюда пришли молодые люди, мечтающие поступить на Специальный факультет ТУИТ и получить профессию офицера-связиста.

Офицерами данного факультета и представителями Государственного тестового центра, правоохранительных органов столицы были созданы все условия для успешного проведения тестирования абитуриентов. У входа в здание дежурит офицер, который на компьютере сверяет данные всех юношей, предъявляющих документ на право сдачи тестов.

Рядовой по контракту Дониёр Тоштемиров проходит службу в парашютно-десантном подразделении. Принадлежа к братству «голубых беретов», он решил выбрать профессию офицера на всю жизнь.

– В моем выборе сыграл большую роль личный пример наших офицеров, – говорит он. – Мой командир группы всегда является для всего личного состава образцом высокой воинской дисциплины, боевого мастерства и верности долгу.

У рядового по контракту Кахрамона Эргашева другая воинская специальность. Он – наводчик бронетранспортера. В мотострелковом подразделении Кахрамон прошел отличную школу мужества и закалки, но впоследствии решил выбрать профессию офицера-связиста.


– Без надежной связи невозможно представить себе современную армию, – говорит воин. – Сегодня наши войска оснащены самыми надежными средствами связи, и мне очень хочется в будущем вносить свой вклад в обеспечение четкой и бесперебойной связи.


А младший сержант Рахим Махкамов до поступления в военный вуз окончил Школу подготовки сержантов военного округа. Военному профессионалу гораздо легче поступать, ведь за время учебы в ШПС преподаватели стремятся давать курсантам не только специфические знания, но и укреплять их общеобразовательную базу.


– В артиллерийских подразделениях роль связи в деле управления огнем невозможно переоценить, – говорит он. – Ведь нередко дальнобойные орудия поражают цели условного противника вне пределов прямой видимости. А значит, в ходе корректировки огня вся надежда на связистов. Чтобы четко и вовремя переносить огонь, надо в первую очередь обеспечить четкую слышимость при переговорах.

Чисто визуально наблюдая за тем, как четко решают тестовые задания юноши в военной форме, проникаешься гордостью за них. Ведь эти парни отличаются от своих ровесников, прибывших с гражданки, более осмысленным выбором профессии, лучшим знанием предстоящей офицерской стези. Ведь они уже служат в армии, хорошо знают основные требования, предъявляемые к человеку в форме. Нет сомнения, что и после зачисления в ряды курсантов они будут с гордостью нести это звание.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **автора.**









АБИТУРИЕНТ–2009

КУРСАНТ БЎЛИШ СЕВИНЧИ

Мана, эзгу ниятлар, олий мақсад ила юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун ҳужжат топшириб, саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган ўғлонларимиз 10 июль куни Давлат тест имтиҳонларини топширишди.

Ниҳоят, барча абитуриентлар, уларнинг ота-оналари сабрсизлик билан кутган кун ҳам етиб келди. Яъни давлат тест имтиҳонлари натижалари ва курсантлик шарафига муяссар бўлганлар рўйхати эълон қилинди. Яхши тайёргарликка эга, билимли абитуриентлар юқори балл тўплашиб, шарафли касб эгаси бўлишди.

– Бизнинг Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кираман деган абитуриентлар бу йил ўтган йилдагидан ҳам кўп бўлди, – дейди билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Шуҳрат Юсупов. – Бу билим юртимиз нуфузининг йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир. Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Давлат тест имтиҳонларидан юқори балл тўплаганлар, бугун курсантлик либосини кийишга мушарраф бўлишди. Шуниси қувонарлики, йилдан-йилга билим юртимизга ўқишга кираётганларнинг балл кўрсаткичи ҳам ўсиб бормоқда. Демак, абитуриентлар билим юртига кириш учун жиддий тайёргарлик кўришган, уларнинг билим савияси ўсиб бормоқда. Натижаларнинг бундай бўлиши бизнинг ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳиятли, малакали офицерлар тайёрлаш ишимизга самарали ёрдам беради.

Ўқишга қабул қилинган йигитлар билан суҳбатлашар эканмиз, шунга амин бўлдикки, ҳар бир курсант қалбида она Ватанга бўлган муҳаббат, юртга муносиб посбон бўлишдек эзгу мақсад бор. Айниқса, уларнинг ота-оналари курсандчилигининг чеки йўқ. Адолат устуворлигида ўтган саралаш босқичи ва Давлат тест имтиҳонидан барча бирдай мамнун.

Шу ўринда бир парсани айтиб ўтиш жоиз, яъни бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, ҳарбий таълим муассасаларида ҳам қатор ижобий ўзгаришларга асос солинган. Билим юртларида таълим дастурлари такомиллаштирилиб, курсантларга чуқурлаштирилган ва замон талаблари асосида билимлар берилмоқдаки, бу ўз навбатида бўлажак командирларнинг ҳар томонлама етук, билимдон ва малакали мутахассис сифатида камол топишида асосий омил бўлмоқда.

Шунингдек, бугун курсантлик либосини кийган йигитларимиз энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлмиш Мустақиллик кунида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар. Бунинг замирида ҳам ўзига хос катта маъно бор. Истиқлол кунида Президентга, халқига содиқлик онтини ичган ўғлон Ватан меҳри, садоқат ва матонатдан, эл-юрт ишончидан куч олади.

Шундай қилиб, абитуриентлар учун ҳаяжонли дамлар ортда қолди. Ишончимиз комилки, бугун улкан довонни босиб ўтиб, курсантлик шарафига муяссар бўлган бўлажак офицерлар имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқиб-ўрганиб, маҳорат ва билимларини бойитиб, миллий армиямиз сафида самарали хизмат қилишиб, Ватан ҳимоясига камарбаста бўлишади.

Кичик сержант Фирдавс АҲРОРОВ.

САРАЛАР ЛОЙИҚДИР ЭРЛАР КАСБИГА

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, мустақиллик йилларида ҳарбий таълим тизими такомиллаштирилди, ўқитиш сифати оширилди. Олий ҳарбий билим юртларида таълим дастурларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундай зиё масканларида таҳсил олган ва офицер сифатида хизмат бурчини бошлаган посбонлар етакчилари ҳарб илмидан пухта тайёргарликка эга эканликларини, ҳеч кимдан кам эмасликларини ҳар тарафлама амалда исботлаяптилар. Ўз навбатида етакчи деган номга эга бўлишган шунқорлар олган билимларини қўл остидагиларга ўргатишаётгани, бундан эса осойишталигимиз барқарорлиги янада мустаҳкамроқ кафолатланаётганини таъкидлаш жоиз.

Куни кеча билим даражаси юқори ва интеллектуал салоҳияти юксак бўлган абитуриентлар олий ҳарбий билим юртларига қабул қилиндилар. Ҳа, бу нафақат мардлар касбини ихтиёр этган ёшлар, балки уларнинг ота-оналари ва яқинлари учун ҳам ҳаяжонли, айни пайтда қувончли дақиқалар эди, десак хато қилмаймиз. Чунки бугун ўз келажагини ва ҳаёт йўлини, аниқроқ айтганда, тақдирини ҳарбий соҳа билан боғлашни орзу қилаётган ёшлар сафи тобора ортиб бормоқда. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, ҳарбий соҳа мамлакатимизда нафақат конститутиявий бурч, балки тобора обрўэътиборли касбга айланиб бормоқда. Муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтган ва ўз келажагини ҳарбий соҳада кўришни мақсад қилган Аҳмаджон Шаҳобов ҳам ана шундай мард ўғлонлардан биридир.

– Курсант бу – бўлажак офицер демак. Офицерлик эса энг шарафли ва масъулиятли касб эгаси бўлиш, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлигига қабул қилинган Аҳмаджон. – Олий ҳарбий билим юрти курсанти деган мақомга ҳам энг сара, қатор кўрик-танлов ҳамда синовлардан муваффақиятли ўта олган, ҳар томонлама етук ўғлонлар эришмоқда. Мен ҳам мазкур натижага эришганимдан, эл-юрт корига камарбаста бўлишга лойиқ топилганимдан хурсандман. Бундан буён билим юртида таҳсил олиш давомида командир ва бошлиқлардан ҳарбий соҳанинг сир-асрорларини чуқур ўрганиб бориб, келгусида бор куч ва имкониятимни Ватан хизматига, унинг осойишталигини асрашга, муборак истиқлолни ҳимоя қилишга сарфлайман. Албатта, менинг ушбу натижага эришишимда муддатли ҳарбий хизматни адо этиш давомида ҳаёт мактабида орттирган сабоқларим, командир ва бошлиқларимдан ўрганганларим, қолаверса, тавсияномага сазовор бўлганим ғоят асқотди. Ҳа, бугун ҳарбий хизмат буткул ўзгача мазмун ва қиёфа касб этган. Ҳарбий хизмат туфайли биз каби ёшлар қатор қулайликларга эга бўлаяпти. Биргина муддатли ҳарбий хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятларнинг ўзиёқ профессионаллик йўлида шаклланаётган миллий армиямизнинг мавқеи қай даражада юксаклигини яққол кўрсатади. Бу каби эътибору ғамхўрликлар келажагимиз эгаларида мардлар касбига бўлган ҳавасу иштиёқни янада оширмоқда, десам хато бўлмайди.

Мана, мақсад йўлида қатъий интилган ва астойдил тайёргарлик кўрган нор йигитлар бугун қувончдан масрурдирлар. Улар – бўлажак генераллар, моҳир етакчилар, бир сўз билан айтганда, шу азиз Ватанни кўз қорачиғидай асрашга аҳд қилган мардлардир, десак хато қилмаймиз.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ШАРАФЛИ НОМГА МУНОСИБЛАР

«Мен, албатта, миллий армиямиз офицери бўламан». Бугун айнан шундай қарордаги довюрак ва сергайрат ёшларни кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мақсадига эришиш йўлида астойдил интилмоқда. Куни кеча юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларига ўқишга қабул қилинган курсантлар номи маълум бўлди. Демак, офицерликни ният қилганларнинг маълум қисми ўз мақсади сари муваффақиятли одимлади.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига уларнинг хизмат қилиш ва яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табийки, қулайликлар, берилаётган имтиёзларга монанд равишда уларга қўйилаётган талаблар ҳам ошиб бормоқда.

– Менга ҳам омад кулиб, ўқишга қабул қилинганимдан жуда бахтиёрман, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Беҳруз Ғофуров. – Ота-онам, оиламнинг ҳар бир аъзоси қувончимга шерик.

Омадининг айнан кучлиларга кулиб боқиши ҳақида кўп эшитганмиз. Аввало, тиббий кўрик, сўнгра, шахсий-руҳий ҳолат борасидаги кўрсаткичлари билан абитуриентлар сафида қолишга лойиқ топилган ўғлон жисмоний тайёргарлик бўйича синовларда қарори қатъийлигини исботлай олди. Қисқа ва узоқ масофаларга югуриш, турникда тортилиш бўйича юқори натижаларни қайд этди. Ва ниҳоят, тест синовлари. Қилинган барча саъй-ҳаракатларнинг мантиқий якуни – ақлий салоҳият ва билим имтиҳон қилинувчи палла. Математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан пухта ҳозирлик кўрган йигит алал-оқибат ниятига эришди – курсант бўлди.

– Синфдошим, энг яқин дўстимнинг муваффақиятидан бениҳоя хурсандман, – дейди Рустам Абдуллаев. – Аҳил синфимизнинг йигитлари орасида турли касбларни эгаллашни орзу қилганлар, вақт ўтиши билан қарорини бир неча бор ўзгартирганлар кўп бўлди. Бироқ Беҳруз сўзида қатъий турди – орзулаган касби, ҳарбийликни танлади.


– Армия ҳаёти, ҳарбий хизмат билан яқиндан танишман, – дейди Ҳасан Собиров. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган пайтимда командирларимга ҳурмат ва ҳавас билан қарардим. Менга ҳам улар каби офицер бўлиш, мардлар касби билан тақдиримни боғлаш насиб этармикан, деган ўйга борардим. Мендаги қизиқувчанликни сезган гуруҳимиз сардори ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фойдали маслаҳатлар берди, қароримни янада мустаҳкамлади: «Тўғри, офицер бўлиш қийин. Аммо ундан ҳам қийинроқ нарса нима эканлигини биласанми? Бу – офицер, деган шарафли номга муносиб бўлиш. Ишончим комилки, келажакда офицер номига муносиб бўламан.

– Афсуски, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқиш менга насиб этмади, – дейди Самариддин Аслиддинов. – Демак, синовларга тайёргарлик кўришда қаердадир хатоликка йўл қўйибман. Олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун тест синовларининг юртимиздаги олий таълим даргоҳларида бўладиган синовлардан анча илгари ўтказилиши менга қайсидир маънода далда бўлмоқда. Ахир, бу – мен каби абитуриентлар учун яна бир имконият.

Ўйлаймизки, яқиндагина курсантлик либосини кийган ўғлонлардан келажакда миллий армиямизга муносиб, ҳақиқий профессионал, Ватани, халқи тинчлигини кўз қорачиғидек асрайдиган, давлат манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, танлаган касби – ҳаёт йўлидан доим ифтихор ҳиссини туядиган юртнинг асл ўғлонлари етишиб чиқади.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.





ОИЛА ГУЛШАНИ

ВОЛИДА ҚУВОНЧИ БИР ОЛАМ





Марказий ҳарбий округда «Аскар оналарини шарафлаймиз» шиори остида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда шаҳар ҳокимининг ўринбосари хотин-қизлар қўмитаси раиси Назира Мухторова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими вакили Бекзод Яхшибоев, вилоят «Маҳалла» жамғармаси вакили Эркин Нуруллаевлар иштирок этишди.

Айни дамда округларда аскар оналари иштирокидаги мана шундай анжуманлар ўтказилаётгани бежиз эмас. Шуни ишонч билан айта оламанки, ўғлонининг ҳарбий либосда қад ростлашида оналарнинг ўрни катта. Бундай дейишимга сабаб, аксарият ҳарбийлар билан касбига бўлган қизиқиши хусусида суҳбатлашганда улар кўпинча оналарининг номини тилга олишади. Яъни оналаримиз фарзандини қалқони, деб билиши, унинг мард ва жасур йигит бўлиб улғайишини орзу қилиб, ўгитлар, насиҳатлар бериши ўғлонларнинг ҳарбийликка қизиқишини оширади.

Шуни инобатга олган ҳолда, анжуман иштирокчилари бўлмиш аскарларнинг волидан муҳтарамаларига фарзандлари хизмат қилаётган ҳарбий қисмларда яратилган шароит, уларнинг кундалик фаолияти акс эттирилган видеолавҳалар намойиш этилди. «Аскар саломлари» рукни остида фарзандларининг дил изҳорлари кўрсатилди.

Аскар оналарига офицерлар уйи ҳамда вилоят маданият уйи санъаткорлари билан ҳамкорликда тузилган концерт дастури тақдим этилди. Айниқса, ҳарбий оркестр томонидан тайёрланган «Мардлар қўриқлайди, Ватанни» қўшиқлар «гулдастаси» иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Анжуманда қатнашганимдан жуда хурсандман, – дейди оддий аскар Элшоҳ Усмоновнинг онаси Раъно Ҳотамова. – Ҳар бир она фарзандини аскар бўлиб, юрт тинчлигига қалқон бўлишини орзу қилади. Минг шукрки, бугун ўғлим аълочи посбонлардан. У хизмат қилаётган ҳарбий қисмдаги шароитни кўриб янада қувондим, кўнглим хотиржам тортди.

– Ўғлим билан телефон орқали ҳар суҳбатлашганимда бир қадар улғайиб, ўзига ишончи ортганини ҳис қиламан, – суҳбатга қўшилади оддий аскар Фарруҳ Исаеванинг онаси Гулчеҳра Ёдгорова. – Анжуманда кўрсатилган видеолавҳа орқали эса ўғлим хизмат қилаётган ҳарбий қисмда яратилган шароитни кўриб посбонларга яратилган кенг имконият ва ғамхўрликдан қувондим. Бунинг учун давлатимиз раҳбарияти, ўғлимнинг командирларидан жуда миннатдорман.

– Ўғил фарзанд элу юрт, ота-она таянчи, қўрғони бўлгани учун ҳам уларга доимо суянамиз, – дейди анжуманнинг яна бир иштирокчиси оддий аскар Рафаэл Башаровнинг онаси Фарида Башарова. – Тилагим, ўғлонларимиз ҳамма вақт ишончга муносиб бўлишсин.

– Тадбир аскар оналарига кўтаринки кайфият бахш этди, – дейди Марказий ҳарбий округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Зуҳра Шарипова. – Видеолавҳалар орқали посбон ўғилларига яратилган шароитни кўриб янада қувонишди.

Зарина НИШОНОВА.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ОНАСИНИНГ ФАХРИГА АЙЛАНГАН АСКАРЛАР

Қашқадарё вилояти ёшлар марказида Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши томонидан «Аскарлар оналарига эҳтиром» мавзуида анжуман ўтказилди.

Тадбирда аскарларнинг оналарига ўз фарзандларининг ҳарбий қисмда қандай хизмат қилаётгани, яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги видеолавҳалар намойиш этилди.

– Видеолавҳада ўғлим Ҳасанбекнинг бахтиёр қиёфасини кўриб, жуда қувондим, – дейди Қарши тумани Қовчин қишлоғида яшовчи Каромат Гелдиева. – Ўғлим йигитлик бурчини аъло даражада ўтаётган экан. Командирларининг эътиборига тушибди. Шундай фарзандим борлигидан фахрланаман. Ота-она учун фарзанди ҳақида мақтов гаплар эшитишидан катта бахт борми!

– Ҳарбий хизматни намунали ўтаётган аскарларнинг ҳаётига оид бундай видеолавҳалар жойлардаги ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда тайёрланмоқда, – дейди округ масъул офицери Олимжон Қўчқоров. – Округимизда хизмат қилаётган аскарлар ҳаёти тўғрисидаги видеолавҳалар уларнинг туғилиб ўсган жойларига, ота-оналарига кўрсатиш учун юборилмоқда. Бундай амалий тадбирлар мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган аскарларнинг ва ота-оналарнинг қалбида мустақил Ватанимиздан фахрланиш ҳиссини янада юксалтиради.

Тадбирда аскарлар оналари учун концерт дастури намойиш этилди.

ЎзА.

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР БАРДАВОМДИР

Ҳар бир инсоннинг Ватан, эл-юрт олдидаги фидойи хизмати ўз эътирофига эга. Бундай эътироф йиллар ўтса-да, қадр-қимматини йўқотмайди. Буни ҳар қадамда ҳис қилиб турамиз. Зеро, инсон учун шу юртга, шу заминга муносиб фарзанд бўлиш, уни кўз қорачиғидек асрашдан буюкроқ вазифа йўқ. Шу боисдан ҳам Ватанни, истиқлолни, тинчликни ҳимоялаш йўлида ўз ҳаётини, умрини бахшида этган ҳарбийларимизни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг оилаларига эса нафақат байрамларда, балки доимий равишда эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.





Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида юртимиз тинчлиги, осойишталиги ҳамда конституциявий тузумни ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотирасига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлиги ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирок этдилар. Тадбир аввалида Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер А. Муинов ҳамда Тошкент вилоят «Олтин мерос» жамғармаси раиси З. Эшмирзаевалар сўзга чиқиб, ўз туғилиб ўсган Ватанини кўз қорачиғидек асраш ва уни мардларча ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, тинчлик ва осойишталик бўлмаса, тараққиёт, ривожланиш ва фаровон турмуш бўлмаслигини, шундай экан, юртимиз хавфсизлигини сақлаш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган асл ўғлонларни халқимиз асло унутмаслигини, улар қалбимизда мангу қолишини таъкидладилар.

– Хотира – бу буюк қадрият. Бу қадрият авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўтганларни бирор-бир сана ёки байрамларда эмас, балки доимо ёдга олмоқ, шу орқали уларнинг руҳларини шод этмоқ бизнинг инсонийлик бурчимиз. Хотира – бу ришта. Мана шундай эзгу анъаналар бардавом экан, у ҳеч қачон узилмайди. Бу борада ҳарбийларимиздан ўрнак олсак арзийди. Шуни унутмангки, бир-биримизга кўрсатган меҳримиз, қилаётган савоб ишимиз ҳеч қачон жавобсиз қолмайди, – деди ўз сўзи ниҳоясида З. Эшмирзаева.

Шундан сўнг ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига қўшимча пул нафақалари топширилди.

– Ўтганларни хотирлаш халқимизга хос хусусият. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам хизмат вақтида ҳалок бўлган Ватан посбонларини ёдга олиш, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларга кенг жамоатчилик томонидан эътиборни янада кучайтиришдир, – дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар мудофаа ишлар бошқармаси масъул офицери Дониёр Бегалиев. – Аслида бунинг учун барчамиз бурчлимиз. Бугун Қуролли Кучлар тизимида бундай эзгу тадбирлар яхши анъанага айланиб улгурди. Агар шундай ғамхўрлик орқали кўнгли ўксик инсонларга озгина бўлса-да, қувонч улашсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз.

– Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан жуда хурсандмиз, – дейди Роҳия Ибрагимова. – Мен тақдиримдан ҳеч қачон нолимайман. Турмуш ўртоғим ҳалок бўлганида ўзимни жудаям ёлғиз ҳис қилиб, тушкунликка тушиб қолган эдим. Лекин ҳукуматимиз томонидан биз каби оилаларга кўрсатилаётган эътибор кўнглимни кўтарди. Руҳан куч бағишлаб, ҳаётга бўлган ишончимни оширди. Бугунги тадбирдан ҳам кўнглим тоғдек кўтарилди. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларидан жуда миннатдормиз.

– Мана шундай юксак эътибордан мамнунман, – дейди марҳум сержант Улуғбек Зокировнинг турмуш ўртоғи Маҳлиё Зокирова. – Биз ҳеч қачон ёлғизланиб қолганимиз йўқ. Инсон барибир меҳрга муҳтож бўларкан. Ўзгалардан меҳр-мурувват кўрганда эса кўнгил анча таскин топади. Бугунги тадбир ҳам кўнглимга таскин берди. Биз учун жон куйдирадиган, биздан ёрдамини аямайдиган инсонлар борлигидан қувондим.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

МАСЛАҲАТ

ЗАБОТА О БЫТЕ - ПЕРВОСТЕПЕННАЯ ЗАДАЧА

Забота о человеке в том числе и военнослужащем, его благе – главное, приоритетное направление проводимых в нашей стране реформ, первостепенная задача всех командиров.

Как подчеркнул в своем Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов: «Необходимо построить и реконструировать десятки современных военных городков, создав в них максимум социально-бытовых удобств, инфраструктуру, отвечающую самым высоким требованиям, потребностям военнослужащих и их семей».

Не редкость, когда воинская часть расположена в пустынном регионе, вдали от городов и крупных населенных пунктов. Условия службы, да и жизни у военнослужащих порой непростые: летом – сильная жара и песчаные бури, а зимой – мороз и порой снежные метели. Однако, несмотря на все это, воинская служба и жизнь в каждом военном городке идут в обычном ритме благодаря тому, что для военнослужащих и членов их семей здесь созданы хорошие социально-бытовые условия.


Вот и в этом отдаленном военном городке в последнее время, благодаря стараниям и усилиям офицеров А. Бердыева, И. Аракчеева, А. Мухамадиева, коменданта зданий рядового по контракту Ф. Байматова, проведен капитальный ремонт мест расположения подразделений, солдатской столовой, спальных, служебных и других помещений. Теперь везде созданы хорошие бытовые условия, стало уютно и комфортно.

Офицеры и военнослужащие по контракту обеспечены квартирами и коттеджами. А те из них, кто еще холост, проживают в благоустроенном общежитии, вступившем в строй четыре года назад. Для детей военнослужащих построены школа и детский сад. В городке – бесперебойное электро- и водоснабжение, в зимних условиях работает собственная котельная и обеспечивающая повсюду необходимое тепло. Особое внимание уделяется военнослужащим срочной службы. Воины имеют возможность привести себя и форму одежды в порядок, посмотреть в уютной комнате отдыха телевизор, почитать газеты или поиграть в настольные игры.

Постоянную заботу о сохранении здоровья военнослужащих, а также и членов их семей, профилактики среди них различных заболеваний проявляют исполняющий обязанности начальника медицинской службы части старший лейтенант Ш. Турсунов, начальник медпункта старший лейтенант И. Раджабов, врачи и медсестры медицинского пункта части.

А когда вопросы обеспечения быта личного состава успешно решаются, а должностные лица ответственно выполняют возложенные на них обязанности, то и результаты служебно-боевой деятельности части или подразделения значительно выше.

Николай ЧУРСИНОВ,
ветеран войск.
Фото **автора.**



Сўраган экансиз

ҚАНДАЙ ТАЪТИЛЛАР БЕРИЛАДИ?

Ҳарбий хизматчиларга қандай таътиллар берилиши қонунчилигимизда кўзда тутилган?
Курсант Б. ОБРЎЕВ.

Таътил – дам олиши, даволаниши, шахсий ёки оилавий муаммоларини ҳал этиши учун ҳарбий хизматчига тақдим этиладиган вақт. Мазкур вақт давомида унинг ойлик маоши ва ўзга таъминоти сақланиб қолиб, хизмат мажбуриятини адо этишдан вақтинча озод этилади.

Таъкидлаш лозимки, таътил давомийлиги таътилга чиқишдан мақсад, ҳарбий хизматчи ўтаган хизмат муддати каби шартларга боғлиқ бўлиб, қуйидаги турларга бўлинади:

– навбатдаги таътил;

– қисқа муддатли ва оилавий шароитига кўра тақдим этилган таътил;

– касаллиги туфайли тақдим этилган таътил.

Бундан ташқари ҳарбий хизматчига:

– олий ҳарбий таълим муассасасини якунлагани муносабати билан тақдим этиладиган ёки ушбу муассасада таҳсил кўриш давомида тақдим этиладиган каникуляр таътил;

– таҳсил олиш мақсадида кириш имтиҳонларини топшириш учун тақдим этиладиган таътил;

– жанговар ҳаракатларда иштирок этгани ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш тадбирларида иштирок этгани учун қўшимча таътил;

– ижодий фаолият учун таътил берилиши кўзда тутилган.

Муддатли ҳарбий хизмат аскарига таътил рағбатлантириш сифатида тақдим этилиши мумкин. Шунингдек, ҳарбий хизматчи аёлга ҳомиладорлик ва кўз ёриш муносабати ҳамда бола парвариши учун таътил берилади. Амалдаги қонунчиликда белгиланган алоҳида ҳолатларда бола парвариши бўйича таътил эркак ҳарбий хизматчига ҳам тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа асосларга мувофиқ ҳам ҳарбий хизматчига таътил тақдим этилиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низом (саккизинчи боб, йигирма тўққизинчи бўлим) асосида тайёрланди.

ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИНГ!

Ёз фаслининг иссиқ кунларида кўпчилик бошяланг юради ёки чиниқиш мақсадида ўзини офтоб нурида тоблайди. Тананинг очиқ қисмига қуёш нурининг тик тушиши оқибатида бадан ҳаддан ташқари қизиб кетиши кузатилади. Бундай ҳолат иссиқ жойларда ишлаш, узоқ вақт мобайнида ҳаво ўтказмайдиган кийим кийиб юриш натижасида ҳам рўй беради. Бир сўз билан айтганда, офтоб уриши ёки иссиқ элитиши – ташқи муҳитнинг юқори ҳарорати таъсирида организмда сувлар, минерал тузлар алмашинувининг мутаносиблиги бузилади.

Одатда, инсон танасида жисмоний ҳаракат натижасида иссиқлик ҳосил бўлиб, ўртача оғирликдаги меҳнат билан шуғулланганда 300 ккал/соат, оғир меҳнат билан шуғулланганда эса 600 ккал/соат ва ундан кўпроқ энергия ишлаб чиқаради. Соғлом одам организми ўзгариб турадиган ташқи муҳит ҳароратига яхши мослашади. Чунки организм тана ҳароратини бир маромда турғун сақлашни асосан, терлаш ҳисобидан сувнинг буғланиши натижасида танани совутиш хусусияти орқали амалга оширади. Ҳаддан ташқари терлаш оқибатида инсон танасидан бир кун мобайнида 10 литргача сув йўқолиши мумкин. Бу илмий, тиббий тилда терморегуляция, яъни танадаги ҳароратни бошқариш дейилади. Тананинг ҳаддан ташқари қизиб кетиши ва терлаши оқибатида организм бироз сувсизланади ва 2 соат мобайнида организмдан 10 грамм натрий хлорид тузи чиқиб кетади.

Офтоб уришига олиб келувчи омиллар:

– вақтида овқатланмаслик;

– танада ҳосил бўлган чанқоқлик ҳиссини вақтида қондирмаслик (натижада қон қуюқлашади);

– минерал тузларнинг одатдаги мутаносиблиги ўзгариши.

Одамни офтоб уриб, иссиқ элитиши марказий асаб тизимининг турли бўлимлари фаолиятининг бузилишига олиб келади. Буни тўқималар, айниқса, бош мияда ҳаво – кислород танқислиги сабабли одамнинг тез-тез хомуш тортиши ва бошқа аломатларидан ҳам билса бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, куннинг иссиқ вақтларида одамларнинг ҳарорат 37 даражадан юқори жойларда ишлаши ва машқлар билан шуғулланиши, узоқ вақт мобайнида ҳаво ўтказмайдиган (ёки фаслга номуносиб) кийим кийиб юриши натижасида танада терморегуляция жараёни яхши ривожланмай қолади. Офтоб урган, иссиқ элитган одамда оғиз қуриши, чанқаш, лоҳаслик каби бирламчи белгилар пайдо бўлиб, боши оғрийди ва айланади, қулоқлари шанғиллайди, қорин мушаклари тиришиб-тортишади, тана ҳарорати 38–40 даражагача кўтарилади. Оғир ҳолатларда кўнгли айнийди ва қайт қилади, баъзан алаҳсираб, ҳушидан кетади. Бундай ҳолларда кўз қорачиқлари кенгаяди, нафас олиши тезлашади, томир уриш сони ва мароми бир дақиқада 140–160 (меъёрда 70–72)гача етиши мумкин.

Биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун беморни тиббий ходим етиб келгунча дарров турли соғломлаштирувчи машқлар, яъни соясалқин жойга олиб ўтиш, тор кийимларининг ёқа, енгларини бўшатиш, тугмаларини ечиш, бошини баландроқ кўтариб ўтқизиш, орқаси билан суянчиққа суяб ётқизиш шарт. Бундан кейин эса бошига, айниқса йирик қон томирлари ўтадиган соҳа, яъни бўйиннинг икки ёни, қўлтиғи ва чов соҳасига музли халтача, совуқ сув солинган шиша ёки бир марта ишлатиладиган елимсимон идиш қўйиш зарур. Шунингдек, беморнинг устига ҳўлланган сочиқ ёйиш ёки ҳўлланган чойшаб билан ўраш керак. Натижада матодаги сув буғланиб, тана ҳарорати бирмунча пасаяди. Пиёз суви ёки нашатырь спиртини ҳидлатиш, елпиш, кўпроқ суюқлик ичириш ва бошқа шошилинч муолажалар қилиш лозим.

Шуни унутмаслик зарурки, қизиган ва қизарган терига спирт ёки ароқ суртиш асло мумкин эмас. Чунки у теридаги майда тешикчаларнинг оғзи беркилиб қолиши, тери юзасининг куйишига олиб келади ва танадаги иссиқликнинг ташқарига чиқишига тўсқинлик қилади. Натижада организм қаттиқ қизиб «димланади», нафас олиш жараёни қийинлашади, ҳатто юрак фаолияти тўсатдан бузилиб, тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Юрак ва қон томирлардаги ўзгаришлар жароҳат олган заҳоти бир неча дақиқа ўтгач намоён бўлишини асло унутманг.

Шундай ҳолатларда, заруратга қараб беморга сунъий нафас олдириш, юрагини тўғридан-тўғри уқалаш (массаж) усулларини қўллаш учун ҳар ким ўзини руҳан, маънан ва жисмонан тайёрлаши шарт. Агарда беморда сув ичишдан воз кечиш, тез-тез қайт қилиш, шунингдек, ҳолдан тойиб эс-ҳушини йўқотиш каби кескин ўзгариш ҳолатлари кузатилса, сиз учун энг яхши йўл бу тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизматига зудлик билан мурожаат қилиш.

Хуллас, офтоб урган ёки иссиқ элитган одамнинг умумий аҳволини диққат билан кузатиш, асло лоқайд бўлмаслик, шошилинч, зарур тиббий ёрдам кўрсатиш беморнинг бош мия ва бошқа аъзолари меъёрий фаолиятининг бузилмаслигига олиб келади. Қолаверса, энг аввало очиқ жойда ишлаганда, дала машқлари ва ички хизматни ўташ ҳамда кенг дала, тоғ, дарё, кўл бўйига борганда енгил, ҳавони яхши ўтказадиган кийим кийиш, бошни офтобдан сақлаш лозим.

Офтоб уришдан сақланиш учун иссиқ шароитда оғир, жисмоний машқлар қилмаслик, ҳаво ҳарорати 37 даражадан ошганда зўриқиб ишламаслик, айниқса спиртли ичимликлар ичмаслик керак.

Жанговар тайёргарлик, дала-ўқув машқларини бажариши олдидан шахсий таркибни тиббий кўрикдан ўтказиш ва керакли кўрсатмалар бериш, машқ майдонига чиқиш ва машқ давомида 10–15 дақиқа тик қуёш нуридан ҳимояланган жойда дам олишига рухсат бериш, машғулотдан сўнг ҳарбий шаҳарча ва дала-ўқув майдонларида душ қабул қилишга шароит яратиш керак. Бундан ташқари, ҳар бир ҳарбий хизматчи сув ичиш тартибига қатъий риоя қилиши, яъни иқлими ўрта ҳароратли регионда кунига 2–2,5 л, иқлими иссиқ ҳароратли регионда эса 4,0–4,5 л.гача қайнатилган сув ичиши ва овқатланишда кўп калорияли овқатни куннинг салқин вақтларида истеъмол қилиши зарур. Бунинг учун ҳарбий қисмларда чой қайнатиш пунктлари ташкил этилиши шарт.

Суюқ қилиб дамланган чой, мевали ва бошқа салқин ичимликлар истеъмол қилиш организмда сув, минерал тузлар, умуман суюқликнинг зарур миқдордаги мувозанати ва мутаносиблиги сақланиб турилишини таъминлайди. Машқларни албатта кун қаттиқ исимаган (кечки соат 17.30 ва 18.20 оралиғи) соатлардагина ташкил қилиш, иссиқ кунларда сув ҳавзалари бўйида узоқ вақт сув ва ҳаво ванналарини қабул қилишда жуда эҳтиёт бўлиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ёзнинг ҳозирги иссиқ, жазирама даврида офтоб уришидан сақланиш муҳим вазифалардан ҳисобланиб, юқорида қайд этилган тавсияларга албатта, амал қилиш керак.

Ҳурматли ҳарбий хизматчилар, шуни билингки, соғлиғингизни сақлаш энг аввало ўзингизга боғлиқ!

Тиббий хизмат подполковниги
Муротали ИМОМАЛИЕВ,
Мудофаа Вазирлиги
Санитария-эпидемнология
назорат маркази бўлинмаси бошлиғи.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ҚАЙТАРИЛГАН БАХТ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

Ҳозирги кунда ҳар қандай муаммойингизни бир зумда ҳал қиладиган қўл телефонлари мавжуд. Лекин нимагадир Илҳом бирор маротаба ҳам қизга қўнғироқ қилмади. Гуласалнинг университетга кирганини эшитгандан кейингина уни илк учрашувга таклиф қилди. Таклиф қилишдан аввал бу иши қанчалик тўғри ё нотўғрилиги ҳақида кўп ўйлади. Бир қарорга келиши осон бўлмади. Чунки олдинда уни қанча тўсиқлар кутаётганини ҳис қиларди. Қиз ҳар томонлама ундан устунлигини ҳам биларди. Ўз навбатида бу ўйлар қизнинг хаёлидан ҳам кечганди. У ҳам йигитнинг таклифини узоқ мулоҳаза қилди ва учрашувга чиқишга қарор қилди. Шу-шу бўлдию улар ҳафтанинг ҳар шанбасида кўришиб турадиган бўлишди. Ана-мана дегунча орадан икки йил ўтди. Бу йиллар давомида улар ҳам улғайишди, ҳам бир-бирларини яқиндан билишди. Охирги пайтларда Гуласални сўраб келувчи совчилар сони кўпайди. Уларнинг деярли ҳаммаси дадасининг таниш ва яқин оғайниларидан эди.

«Қизимиз ҳали ёш», деб турган отаси охири, «қизингга айт, келаётган совчилар ичидан бизга маъқулларидан бирини танласин», деди онасига.

Охирги учрашувдан бу хабарни эшитиб уйга қайтган Илҳом ҳовлида уймаланиб юрган онасига кўзи тушди-ю, орқасидан аста бориб меҳр билан қучди.

– Илҳомжон, сенмисан болам, шу феълинг сира қолмадида, – унга дакки берган бўлди Раъно опа.

– Сизни кузатиб туриб ачиниб кетдим, ўйлаб кўрсам сизга битта ёрдамчи зарур экан, – деб гапни узоқдан бошлади Илҳом.

Ўғлининг бу гапидан Раъно опа сергакланди ва қувониб кетди. Ўғлига яқинроқ келиб, унга меҳр билан термулди.

– Танлаганинг борми ё ўзим кўз остимга олган қизларимни айтайми?

Илҳом бир муддат жим турдида, секин, «бор, лекин сизга ёқса», деб қўшиб қўйди.

– Мен сенга ишонаман, сенга ёққан бўлса албатта, менга ҳам ёқади. Албатта, кўраман ҳам, – дея жилмайди Раъно опа.

Илҳом онасига қизни кўрганлигини, у ўша касалхонага Муҳайё билан борган қиз эканлигини айтмоқчи бўлди. Лекин онасининг кўча дарвозаси томон юраётганлигини кўриб, гапи оғзида қолди.

– Ойижон қаёққа?

– Ҳабиба холангларникига, суюнчи олай. «Қачон совчиликка борамиз?», – деб сўрагани-сўраган.

Илҳом онаси ва Ҳабиба холани Гуласалларнинг уйига яқин жойга ташлаб ортга қайтди. Суриштириб топиб келган совчилар ҳашаматли уй олдида бир-бирларига қараб тўхтаб қолишди.

– Раънохон аниқ шумикин, янглишмадикмикин?

Раъно хола нима дейишни билмай турган эди, ичкаридан истараликкина аёл қўлида бир коса овқат кўтариб чиқиб қолди. Бегона аёлларни уйига қараб турганини кўриб ҳайрон бўлди.Салом-аликдан сўнг аёл савол назари билан бир Ҳабиба холага, бир Раъно холага қаради.

– Синглим, бизга Саодатхон деган аёлнинг уйи керак эди. Шу ҳовлини кўрсатишди, адашмадикмикин? – аёлга юзланди Ҳабиба хола.

– Адашмадиларинг, қўшним бемор эди. Мен овқатни шундай узатиб қўяй, узр, – дея қаршисидаги ҳовлига кириб кетди ва зум ўтмай чиқиб, меҳмонларни уйга таклиф қилди.

Саодат опа меҳмонларнинг совчи эканлигини аллақачон англаганди. Шунинг учун «меҳмон отангдан улуғ» деган гапга амал қилган ҳолда, уларни илиқ кутиб олди. Дастурхон устида Ҳабиба хола мақсадга кўчди. Гап орасида ёшларнинг бир-бирига кўнгил қўйгани ҳақида ҳам айтиб ўтишни унутмади.

– Энди биз катталарнинг вазифаси икки ёшнинг бошини қовуштириш, – деди сўнгги сўз ўрнида у.

Боядан бери «қизи бор уйга совчи келадида, келмаслигидан Худо асрасин», деб хаёлидан ўтказиб ўтирган Саодат опа бу гапдан кейин бошидан совуқ сув қуйилгандек бўлди гўё.

– Қизим ўғлингизни танирмикан? – дея олди холос.

Меҳмонларни кузатиб қайтаркан, «энди нима бўлади, дадаси билсалар тамом. Айтдим-а, қизим кўрмай туриб ҳамма совчиларга рад жавобини беряпти деб». Икки кўзи кўча эшикда сабрсизлик билан қизини кута бошлади. Ниҳоят, Гуласал кўринди. Мулойим, камсуқум Саодат опа тамоман бошқа қиёфага кирганди. Онасининг аччиқ билан тикилиб турганини кўрган Гуласал эса бу ҳолатдан лол эди.

– Ассалому алайкум ойижон, тинчликми, сизга нима бўлди?

– Нималар қилиб юрибсан, нега кеч қолдинг?

Қиз яна ҳеч нарсага тушунмади, чунки ҳар кунгидан анча эрта уйга қайтганди. Бошқа кунлари кеч қолса ҳам, яхши кутиб оладиган онасининг авзойи нимагадир ўзгарган. Демак, нимадир содир бўлгани аниқ ва бу ўзи билан боғлиқ.

– Ичкарида гаплашамиз.

Ойиси важоҳат билан уйга кириб кетди. Орқасидан кирган қизини шахт билан ўзига қаратиб, кўзига тикилди.

– Бугун совчилар келишди, «ёшлар аҳду-паймон қилишган», дейишди. Бизсиз ҳаммасини пишириб бўлибсизда-а, сендан буни кутмагандим... Куёв бола жуда одоблимиш, иккинчи курсдан ўқишни ташлаб, устачилик қилармиш.

Боядан бери қотиб, тик турган қизини тортиб стулга ўтқазди-да:

–Ҳозир менга ипидан-игнасигача айтиб берасан, – дея ўзи ҳам қизининг рўпарасига ўтирди...

Раъно хола ҳам уйига кела солиб ўғлини сўроққа тутди.

– Илҳомжон, у қизнинг бадавлат оиладан эканлигини билармидинг, болам? Донолар «тенг-тенги билан», деб бежиз айтишмаган. Яхши бўлмади, бир оғиз менга айтсанг бўларди-ку! Сенга ичим ачийди, менга сенинг бахтингдан бошқа нарса керак эмас. У қизни ёмон демайман, аммо у катта еб, катта кийиб ўсган қиз. Аввало бундай хонадонларнинг биздек ночор оилаларга қуда тутиниши қийин. Тақдир қўшилиб қизларини берганда ҳам, кейинчалик сени қийнайдими деган хавотирдаман холос, ўғлим.

Раъно хола гапим тамом, дегандек нари кетди. Эшикка етганда ортига ўгрилиб бошини қўллари орасига олиб ўтирган ўғлига қараб юраги эзилиб кетди.

Гуласал ойисига Илҳом ҳақида билганларини гапириб беришдан ўзга иложи қолмади. Ўтган ишлардан воқиф бўлган Саодат опа лом-лим демай қизининг хонасини тарк этди. Ҳозир онасига қанчалар қийинлигини қизи қалбан ҳис қилиб турарди. Саодат опа қизининг кўнглини билганидан кейин, бу тўғрида турмуш ўртоғига босиқлик ва ўта эҳтиёткорлик билан айтди. Аёлининг юзидаги ҳадик ва қўрқувни ҳис қилиб турган оила бошлиғининг раҳми келдими ё чуқур ўйлашни хоҳламадими, ҳарқалай «кўрамиз», деди аста. Бундай бўлишини кутмаган Саодат опа бир муддат хўжайинининг юзига тикилиб қолди. Мурод ака эрта кетиб, кеч келарди. Охирги марта аёли билан дилдан, бемалол қачон суҳбатлашганини эслолмади. Шу боисданми, ҳозир ўзига жовдираб турган рафиқасининг юзидаги ажинларини, оқ сочларининг кўпайганини ҳис қилди. Шу сабаб бу вазиятда аёлига бор айбни қўйишга виждони йўл қўймади.

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу орада совчилар яна бир келиб кетишди.

Раъно хола «барибир бизга қизларини беришмайди, нима бўлганда ҳам ўғлимнинг сазаси ўлмасин», деб яна боришга қарор қилганди.

Гуласалнинг отаси ҳам бир қарорга келганди. Яъни у йигитни обдон суриштирди, лекин ҳеч қандай салбий фикр эшитмади. Бир айби қўли калталиги эди, холос. Мурод ака га бу манзара бегона эмасди. У ҳам бу кунларга етгунча бошидан не кунларни ўтказмаганди. Айни дамда шароит тақозоси билан қора ишларга аралишиб қолганди. Биргина қўрққани шу қизини эсон-омон узатиб олиш. Лекин Илҳомга ўхшаган қўли юпқа йигитга эмас, аксинча, қизи ва оиласини ҳимоя қила оладиган йигитга узатиш нияти бор эди унинг. Афсус, қизи шу йигитни танлабди. Қолаверса, Илҳом билан суҳбатлашгандан сўнг, нимагадир ўзи ҳам уни ёқтириб қолди. Дунёқараши ўзи ўйлаганчалик тор эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Битта лекин томони, катта мансабдаги таниши «қизинг менга келин бўлади», деб айтиб қўйганди.

«Нима бўлса бўлар, қизим бахтли бўлса бўлди», фикридан қайтмади Мурод ака.

Бу орада тўйга тайёргарлик бошланиб кетди. Ўзбекнинг тўю анъаналари ўзгача-да! Тўйнинг дарагини эшитган қариндош-уруғ, дўсту-ёр эшикдан «нима хизмат», деб кириб келаверади. Юрагининг бир четида ҳадик бўлса ҳам Раъно хола жуда бахтиёр. Илҳомнинг шогирду дўстлари аллақачон уй таъмирлашни бошлаб юборишган.

Шундай кунлардан бирида тўй тараддуди билан бедор юрган Илҳом йигитларга таъмирлаш ишларини тушунтириб, ташқарига чиққанди ҳамки, кимдир уни чақирди. Шу онда осмондан тушгандек бир йигит рўпарасида пайдо бўлди.



– Сизни кутиб тургандим, адашмадим деб ўйлайман, сиз Илҳоммисиз?

– Ҳа, янглишмадингиз, хизмат?

– Мен Мурод аканинг ёрдамчилариман, улар бир гапни сизга етказишимни тайинлаган эдилар. Малол келмаса машинада гаплашсак.

Машинага ўтиришгач, Илҳом эшитаман дегандек йигитга қаради.

– Биласиз, Гуласал Мурод аканинг ёлғиз қизлари, қолаверса уларнинг танишлари жуда бообрў инсонлар. Шунинг учун айбга буюрмайсиз, тўйни катта ресторанлардан бирида қилишни, ҳамма харажатларни ўз зиммаларига олишни айтдилар. Албатта, бўлажак қайнотангизнинг бу таклифларини тўғри қабул қиласиз, деб ўйлайман.

Бундай таклиф бўлишини Илҳом аввалдан кутганди. Шунинг учун ўзини қўлга олиб.

– Майли, ресторанда бўлса ресторанда-да, лекин бир шартим бор, – деди қатъият билан. Бояги йигит қулоғим сизда дегандек Илҳомга тикилди.

– Ҳамма харажатлар ўзимдан. Шунга рози бўлишса, мен рози.

Илҳомнинг шу кунга қадар тўплаган жамғармаси ҳамма режалаштирган ишларига деярли етарди. Оёқ остидан чиққан бу таклифдан сўнг, энди каттагина қарз бўлиши аниқ эди. Шундай бўлди ҳам. Аммо «Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди», – деганларидек, тўй дабдаба билан ўтди. Мурод ака икки ёшга совға тариқасида енгил машина калитини берди.

Гуласал Раъно холага жуда маъқул келди. У камтар, очиққўнгил бўлганлиги учун тезда тил топишиб олишди. Келинчак ҳам хонадонга тез мослашди. Тўйдан кейинги биринчи ой келинчақирди, куёвчақирди каби урф-одатлар билан ўтди. Гўёки ҳаёт денгизи бир тўфон уриб тошди-ю, яна сокин оқа бошлади. Ҳамма хурсанд, фақат Гуласалнинг ичига чироқ ёқса ёришмайди. Унинг назарида тўйдан кейин фақат икки ойгина бахтли яшади. Чунки Илҳом уйдан эрта чиқиб кетиб, жуда кеч қайтар, доим қорни тўқлигини айтарди-ю, боши ёстиққа тегмай қотиб қоларди. Гуласал эса кундузи билан Илҳомни кутиб «келса айтаман», дея тайёрлаб қўйган гапларию, ширин орзуларини ичига солаверарди. Шайтон унинг хаёлини ҳар кўчаларга олиб кириб, олиб чиқарди. Гиёҳвандмикин, бошқа севгани бормикан, мендан кўнгли қолдимикан..., бу саволларнинг охири кўринмасди.

(Давоми бор).

Баноат ЮНУСОВА.

ТЕХНОЛОГИЯ

МОСКВА МЕТРОСИДА 3G АЛОҚАСИ ИШГА ТУШДИ

Москва метрополитенида «учинчи авлод» (3G) уяли (мобил) алоқа тармоғи тижорий фойдаланишга топширилди. МТС операторига қарашли 3G тармоғи пайдо бўлган биринчи метро станцияси «Университет» бекати бўлди, деб хабар беради «Финам» ахборот агентлиги.

3G МТСнинг метрополитендаги навбатдаги тармоғини ёз охиригача метронинг Сокольники йўналишидаги станцияларда ишга тушириш режалаштирилмоқда. 2009 йил куз ойлари давомида 3G МТС тармоғи Москва метрополитени Ҳалқа йўналишининг барча станцияларини қамраб олади.

МТС мижозлари метрополитен станциясида юқори тезликда Интернетга кириш, мультимедиа контенти ва электрон почта хабарларини тезкор жойлаб олиш имкониятига эга бўладилар.

Маълумотларни узатиш тезлиги секундига 3,6 Мбит бўлган «учинчи авлод» тармоғидаги хизматлардан фойдаланиш учун мижоз (абонент) 3G стандартини қўлловчи телефон, «GPRS» уланган хизматига эга бўлиши ва 3G МТС тармоғи ҳаракат зонасида бўлиши кифоя қилади. 3G тармоғига қайд қилиш автоматик равишда ва бепул амалга оширилади.

МТС барча операторлар орасида биринчи бўлиб метрополитенда уяли алоқа хизматларини таклиф этишни бошлади ва бугунги кунда метрода юқори тезликдаги 3G тармоғини ишга тушириб, бу соҳада етакчи бўлиб қолмоқда. Метрода инновацион технологияларни жорий қилиш – МТСнинг Москва метрополитени билан яқин ҳамкорликда амалга ошираётган устувор лойиҳаларидан бири.

3G ўзи нима? 3G бир қатор фарқланувчи белгиларга эга бўлган бир қанча уяли алоқа стандартларини ифодалайди. Жумладан, учинчи авлод уяли тармоқлари бир вақтнинг ўзида овозли (оддий телефон қўнғироғи) ва овозсиз (файлларни жойлаш, электрон почта ёки IM хабарларини айирбошлаш) маълумотларни узатиш имконини таъминлайди. 3G хизматларида тезкор Интернетга кириш, видеотелефон ва уяли телевидениега ҳам муҳим роль ажратилган, аммо сўнгги икки хизмат ҳозирча кутилган оммавийликка эришгани йўқ.

3G стандарти Халқаро электр алоқа иттифоқи (ITU) томонидан ишлаб чиқилган ва IMT-2000 деб номланган. Учинчи авлод тармоғи кўпроқ Япония ва Жанубий Кореяда ривожланган. FOMA номли биринчи 3G тармоғи 2001 йилнинг 1 октябрида Японияда ишга туширилган.


Бугунги кунда 3G стандартидан дунёнинг 75 мамлакатида фойдаланилмоқда, 3G-операторлар хизматидан эса 300 миллионга яқин кишилар баҳраманд бўлишмоқда.



ЭКЗОСКЕЛЕТ-РОБОТЛАР ХОРИЖГА ҲАМ ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Японияниng Cyberdyne корпорацияси HAL-5 (Hybrid Assistive Limb, гибрид (чатишма) ёрдамчи қўл-оёқ), деб номланган костюм-экзоскелетни буюртмачи хориж давлатларига етказиб бера бошлади. Август ойида шундай костюмлардан олтитаси Дания госпиталларига етказиб берилади ва у ерда роботлаштирилган костюмлар олти ой мобайнида хавфсизлик ва самарадорлик бўйича тест синовларидан ўтказилади, деб хабар беради Компьюлента агентлиги.

Япон муҳандисларининг ушбу кашфиёти таянч-ҳаракатланиш аппарати муаммолари мавжуд бўлган кишиларга мустақил ҳаракатланишда ёрдам беради. Яратиш устида беш йил мобайнида иш олиб борилган ушбу ноёб костюм-экзоскелет бош миянинг турли ҳолатларини сезувчи ва механик экзоскелетга сигналларни етказиб берувчи сенсор тизими билан жиҳозланган.



ЯНГИ АЁЛЛАР СУМКАСИ ИХТИРО ҚИЛИНДИ

Нью-Йорк университети ходими Адам Харви суратга тушириш имконини бермайдиган Anti-Paparazzi Clutch номли махсус сумка яратди.


Мембрана.ру агентлиги тарқатган хабарга кўра, ихтирочи стандарт ўлчамдаги аёллар қўл сумкачасини фотоаппарат чақнашини «ҳис қилувчи» ва худди шундай чақнаш билан жавоб берувчи мослама ўрнатган ҳолда бироз ўзгартирди. Сумкачадан қайтувчи жавоб чақнаши натижасида суратга олинган кадрлар куйиб кетади. Ушбу сумка таниқли кино юлдузлари, топ-моделлар, мусиқа ва спорт оламида донг таратган аёллар учун ажойиб совға бўлиши шубҳасиз.

Оптик датчик фотографик затворнинг 1/125 тезликда ва 45 даражагача бурчак остида ишлаши вақтидаги чақнашини сезиш ва жавоб қайтаришга қодир. Жавоб чақнашни юқори ёруғликдаги нур диоди (LED) амалга оширади.

Агар киши уни суратга олишларини истамаса ва буни эътиборга олмасалар, мазкур сумкани ўзига яқинлаштириб олса бўлди – муаммо ҳал бўлади.

Яқин келажакда Харви юлдуз-эркаклар ҳаётини ҳам енгиллаштириш ҳаракатида. Бунинг учун ихтирочи эркакларнинг, дейлик, бўйинбоғи қисқичига шундай чақнаш мосламасини ўрнатмоқчи. Фақат бунинг учун мослама ўлчамларини кичрайтириш устида иш олиб бориш лозим.

«Антипапараццининг мақсади – суратга олувчи ва суратга олинадиган объект ўртасида икки томонлама ўзаро ҳамкорликка эришиш», дейди Адам Харви ўз ихтиросига изоҳ берар экан.



«МИРЫ» ПРОДОЛЖАЮТ ИССЛЕДОВАНИЕ ОЗЕРА БАЙКАЛ

Глубоководные обитаемые аппараты (ГОА) «Мир-1» и «Мир-2» в рамках научной экспедиции «Миры» на Байкале» провели в воскресенье погружения для обследования Академического хребта, расположенного между островом Ольхон и Ушканьими островами, говорится в сообщении Фонда содействия сохранению озера «Байкал» в понедельник.

«Академический хребет интересен тем, что 8-9 миллионов лет назад он был северным берегом Байкала. В озеро впадала река Баргузин. Постепенно Байкал стал продвигаться на север, и образовалась еще одна котловина - Северная. Подтверждением данного отрезка истории Байкала является то, что мощность осадков в Южной и Центральной котловинах - порядка 8 тысяч метров, а в Северной котловине - 4-5 тысяч метров», - отмечается в сообщении.

Опустившись на Академическом хребте, участники экспедиции изучили породы, складывающие его фундамент, осадочный горизонт мощностью до тысячи метров.

Бинонинг асосий ўзига хосликларидан бири вестибюлидаги ғайриоддий бадиий конструкция бўлади. У иккита ҳовуздан ташкил топиб, тубига титандан ясалган мосламалар қўйилган. Мосламаларга эса мисс ва бронзадан ясалган 196 та тарелка мустаҳкамланиб, улар 196 мамлакатни ўзида акс эттиради.

Қизиғи, бинонинг баландлиги борасидаги сўнгги қарор ҳозирча сир сақланмоқда. Шундай бўлсада, айрим маълумотлар унинг 818 метр бўлишини кўрсатмоқда.



КЕЛИН ГУЛДАСТАСИ ПОРТЛАШГА САБАБ

Келининг гулдастасини улоқтириш анъанасига ноанъанавий муносабат Италиянинг Ливорно шаҳарчасидаги тўйда фожиага олиб келди.

Маълумки, бу анъанага мувофиқ турмушга чиқмаган меҳмонлар гулдастани ушлаб олиш учун тизилиб туришади. Мазкур тўйда оила қураётган икки ёш енгил самолётни учувчиси ва бир нафар йўловчиси билан ёллашди. Самолёт ресторан томига, меҳмонлар йиғилган жойга қўнди. 44 ёшли Изидоро Пенсьери анъанага мувофиқ гулдастани улоқтирди. Буни қарангки, гулдаста самолёт моторига бориб тушиб, ёниб кетди ва портлашга сабаб бўлди. Тасодиф туфайлигина ҳеч ким ҳалок бўлмади. Фақат гулдастани улоқтирган кишининг жиддий жароҳатланганини ҳисобга олмаганда. Натижада тўй ҳеч кимга татимади. Ҳатто байрам дастурхонига ҳеч ким қолмади ҳам.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Китайские шахтеры продержались под землей 25 дней

Трое китайских шахтеров провели под землей 25 дней после того, как их шахту затопило и они оказались отрезаны от поверхности. Дожидаясь спасения, люди пили грязную воду, которая просачивалась сверху, и жевали уголь, чтобы задавить чувство голода.

Всего в результате аварии в провинции Гуйчжоу под землей оказались 16 человек.



Генсек ООН сменил регистратора спецтрибунала

Генеральный секретарь ООН Пан Ги Мун назначил новым регистратором Спецтрибунала по Ливану (СТЛ) американца Дэвида Толберта.

Толберт сменит британского судью Робина Винсента, расследовавшего убийство экс-премьера Ливана Рафика Харири.

Важнейшим направлением в работе Толберта в ближайшее время станет обеспечение безопасности 90 свидетелей, которые выступят перед трибуналом.



Корейский авиалайнер потерпел аварию

Пассажирский авиалайнер Корейских авиалиний потерпел аварию в японском аэропорту Нарита. Примерно в 12:30 по местному времени самолет, совершавший посадку, ударился хвостом о взлетно-посадочную полосу, сообщает AP.

Лайнер совершал перелет из южнокорейского Инчхона в Токио. В результате инцидента никто не пострадал, сообщают спасательные службы.



В Гондурасе отменили комендантский час

«Временное правительство» Гондураса отменило с сегодняшнего дня комендантский час. Он был введен на всей территории страны две недели назад после военного переворота, в ходе которого законный президент страны Мануэль Селайя был арестован военными и силой вывезен из страны.

Комендантский час, во время которого приостанавливались гарантии конституционных прав и свобод, в последние дни действовал с 23:00 до 04:00.



Телефонные «джинны» вымогали деньги в Бангладеш

Полиция Бангладеш арестовала более 20 мошенников, которые по телефону вымогали у суеверных граждан деньги, представляясь джиннами и угрожая наслать на непокорных бедствия с помощью колдовства, пишет AFP.

Аферисты заранее выясняли личную информацию о владельцах телефонов, а затем звонили жертвам и, разговаривая «с арабским акцентом», представлялись злыми духами.



Porsche Panamera стал самым быстрым седаном

До недавнего времени Cadillac CTS-V был самым быстрым серийным седаном в мире, проехав знаменитое кольцо Нюрбургринг менее чем за 8 минут, а точнее, за 7 минут 59 секунд.

Теперь это звание принадлежит 4-дверному Porsche Panamera, который обладая 500-сильным мотором под капотом преодолел трассу Нюрбургринга за 7 минут 56 секунд, что на 3 секунды быстрее 556-сильного CTS-V.

(www.NEWSru.com)

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

АҲОЛИ БАНДЛИГИ – ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Иш ўринлари: кимлар қисқартирмоқда, ким янгиларини очмоқда.

Бу йил мамлакатимиз мустақилликка эришганига 18 йил тўлади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўтган давр мобайнида мислсиз муваффақият ва ютуқларга эришдик. Бунга ҳаётимизнинг истаган жабҳасидан хоҳлаганча мисол келтириш мумкин. Буларнинг барчаси ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш имконига эга бўлганимиз, тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос йўлини танлаганимиз, шу йўлдан қатъият билан бораётганимизнинг самараларидир.



Бугунги Ўзбекистон жадал ривожланаётган, юксак салоҳиятга, жаҳон ҳамжамиятида катта обрў-эътиборга эга давлат. Бунга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Ёш мамлакатимизга менсимай қараганлар ҳам, ютуқларимизга ғайирлик билан боққанлар ҳам, ўз йўриғига солишга интилганлар ҳам, ҳаётимизга бизнинг миллий хусусиятларимиз, ҳаёт тарзимиз, эзгу орзу интилишларимиздан йироқ бўлган андозаларни тиқиштиришга уринганлар ҳам бўлди. Аммо Юртбошимиз раҳбарлигида ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмадик. Бизнинг йўлимиз энг тўғри йўл эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўлами тобора кенгаяётган ҳозирги шароитда яна бир бор ўз исботини топди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида баён этилган йўл-йўриқлар ва Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш, юртимизнинг халқаро майдондаги салоҳияти ва обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Асарда таъкидланганидек, Ўзбекистонда ислоҳотларнинг машҳур беш тамойилга асосланган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели асосида амалга оширилаётгани юртимизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Дастурда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Умуман, мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб бу масалаларга доимий равишда устувор вазифалар сифатида қараб келинаётир. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон меҳнат бозорига ҳам кучли таъсир кўрсатаётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда бу борада барқарорлик сақланаётгани, янги иш ўринлари яратилаётгани бунинг амалий натижасидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини танг аҳволга солиб қўйди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашуви тўхтамаяпти. Инқироз, айниқса, меҳнат бозорига кучли зарба берди. Кўплаб йирик банк-молия муассасалари хонавайрон бўлди, номдор компания ва корпорациялар ёпилди. Миллионлаб кишилар иш жойидан, даромад манбаидан айрилди.

БМТнинг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) маълумотларига қараганда, бугунги кунда сайёрамиздаги 1,2 миллиард киши очлик ва тўйиб овқатланмасликдан азоб чекаётир. Халқаро меҳнат ташкилоти Глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида жаҳонда ишсизлик даражаси 2009 йилда 7,4 фоизга етиши ва 240 миллион кишини ташкил этишини башорат қилмоқда. Жорий йилда яна 50 миллион киши ишсизлар сафига қўшилиши кутилаётир. Уларнинг аксариятини саноат корхоналаридан бўшатилганлар ташкил этади.

АҚШ иқтисодиётида кечаётган чуқур рецессия жараёнининг охири кўринмаяпти. Мамлакат меҳнат бозори улкан депрессияни бошидан кечирмоқда. Жорий йилнинг июнь ойида АҚШда яна 467 минг киши иш жойидан маҳрум бўлди, ишсизлик даражаси 9,4 фоизга етди. Ҳозир 14,5 миллион америкалик ишсиз.

Канадада ишсизлик сўнгги ўн йилликдаги энг юқори даража – 8,4 фоизга кўтарилган. Мамлакат статистика бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг апрель-июнь ойлари оралиғида 41 минг 800 киши иш жойидан маҳрум бўлган.

Европа комиссиясининг статистика агентлиги – Евростат маълумотида қайд этилишича, Евроҳудудга кирувчи мамлакатларда май ойида ишсизлик рекорд даража – 9,5 фоизга етган. Ҳудудда 2009 йилнинг биринчи чорагида 1,22 миллион иш ўрни қисқарган. Минтақанинг етакчи давлатларидан бири – Италияда 2008-2010 йилларда 1 миллион киши иш жойидан маҳрум бўлиши мумкин. "Конфиндустрия" саноатчилар миллий уюшмаси таҳлил маркази тадқиқотлари хулосаларига қараганда, 2009 йилда мамлакатда ишсизлик даражаси 8,6, 2010 йилда эса 9,3 фоизни ташкил этади. Германияда жорий йилнинг май ойи ҳолатида расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони 3 миллион 460 минг кишини ташкил этган. Бу борада кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай 2010 йилга бориб уларнинг сони 5 миллионга етиши кутилмоқда. Латвия давлат бандлик агентлиги хабарига кўра, ҳозир мамлакатда ишсизлик даражаси 11,5 фоизни ташкил этмоқда ва йил охирига бориб бу кўрсаткич 16,4 фоизга етиши мумкин экан.

Францияниг автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқарувчи "Мишлен" корпорацияси мингдан зиёд, Буюк Британиянинг спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи жаҳонга машҳур "Диажео" трансмиллий компанияси минтақа яқин иш ўрнини қисқартиришини ва Шотландиядаги иккита корхонасини ёпишини маълум қилди. Германиянинг "Мерцер" консалтинг компанияси тадқиқотлари натижасига кўра, 2009 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот пасайиши 6 фоиздан зиёдни ташкил қилиши кутилмоқда. Немис компанияларининг 70 фоизи ходимларни қисқартириш ниятида.

Россия меҳнат бозоридаги ишсизлик билан боғлиқ кескинлик ҳамон сақланиб турибди. Жорий йилнинг апрель ойида ишсизлик даражаси 10,2 фоизга етган. Мамлакат Меҳнат ва бандлик бўйича Федерал хизмати маълумотига кўра, ҳозир ишсизлар сони 7,7 миллион киши бўлиб, йил охирига қадар 7,8 миллионга етиши мумкин экан.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Устига устак дунёнинг кўпгина давлатларида иқтисодиётнинг пасайиши, бюджет тақчиллиги оқибатида ижтимоий мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар қисқартирилмоқда. Натижада шундоқ ҳам қийин аҳволга тушган миллионлаб одамлар янада мураккаб муаммолар олдида чорасиз қолмоқда.

Шукрки, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида узоқни кўзлаб, халқ манфаати, юрт истиқболи йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар натижасида мамлакатимиз инқирознинг бундай салбий оқибатларидан зарур даражада ҳимояланган.

Янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш даражасини оширишга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида алоҳида эътибор берилгани ва бу йўналишдаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилганлиги юртимизда ишсизлик даражаси ошиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз меҳнат бозорида олиб борилаётган фаол сиёсат натижасида аҳолининг бандлик даражаси ўсиб бораётир. Жаҳонда иш ўринлари қисқариши авж олган 2008 йилда юртимизда 661 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Жойларда ишбилармонлик ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар ва сервис, касаначилик соҳаларини ривожлантириш эвазига очилган ана шу иш ўринларининг катта қисмини ёшларимиз банд этаяпти.

Юртимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолининг бандлик даражасини оширишда муҳим омил бўлаётир. Айни чоғда қишлоқларимизнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес соҳасини кенгайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик корхоналар, микрофирмалар, якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар бу борада катта аҳамият касб этаётир.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес энг қулай ва мақбул воситадир. Мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоизидан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини янада оширмоқда. Шунинг учун Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу борада қулай бизнес муҳитини яратиш, соҳадаги институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сони 30 фоизга камайтирилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 3769 янги кичик корхона рўйхатга олинди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,2 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. 2009 йилнинг биринчи чорагида 400 чакана савдо, 89 умумий овқатланиш объекти, 817 маиший хизмат шохобчалари ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда 33,1 мингта иш ўрни ташкил этилди. Умуман олганда шу даврда мамлакатимизда 208,6 мингта янги иш ўрни яратилган. Шунинг 148,2 минги қишлоқ жойларида ташкил этилган.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперациянни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳужжат асосида иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилар учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилганлиги боис меҳнат фаолиятининг ушбу тури тобора кенгаймоқда. Касаначилик аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад топишнинг қўшимча манбаига айланди. Касаначилик хотин-қизлар, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш имкониятларини кенгайтириши билан муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда меҳнат фаолиятининг бу турини ривожлантиришга бўлган ғамхўрлик ва эътибор самарасида 2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган. 2009 йилнинг биринчи чорагида корхоналар ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш эвазига қўшимча равишда 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Мамлакатимиз бўйича жами 280 мингдан ортиқ киши касаначиликка жалб этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу йўналишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан шуғулланадиган кишилар сонини кўпайтириш қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг яна бир муҳим омилидир. Мазкур соҳада яратилган қулай шароитлар – наслли қорамолларни аҳолига ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали сотишнинг йўлга қўйилгани, мақсадли ва имтиёзли кредитлар берилаётгани, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмининг оширилиши, озуқа билан таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилгани боис бу борада катта ижобий натижаларга эришилмоқда. 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1 миллион 100 мингдан кўпроқни ташкил этди. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилган, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилган.

Чорвачиликни ривожлантириш дастури ижроси доирасида 2009 йилнинг дастлабки чорагида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали 6146 бош зотдор қорамол сотилди. Йил охирига қадар умумий ҳисобда 24 минг 600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилмоқда. 4992 бош сигир кам таъминланган оилаларга бепул берилган. Тижорат банклари ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8,4 миллиард сўм маблағ ажратилган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишлар ҳам аҳолини, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Қишлоқда мавжуд инфратузилмани кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш шулар жумласидандир. 2010-2011 йилларда миниатехнологиялар билан жиҳозланган 963 қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. 2009 йилнинг биринчи чорагида мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишловчи 27 янги корхона ишга туширилди. Бундай амалий чоралар иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имконини бермоқда.

Иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳам пировардида аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишга хизмат қилади. Бу борада ҳозир умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилаётир. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳам қўшимча янги иш ўринларини яратиш имкониятларини кенгайтириши шубҳасиз.

Мамлакатимизда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар пировардида халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ОГОҲЛИК

Маънавий-маърифий анжуман

КЕЛАЖАГИМИЗГА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН ИЛЛАТЛАР

Бугун ҳукуматимиз томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, етук инсон қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Ёшлар қалбида она Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик каби туйғуларни шакллантириш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Айниқса, келажагимиз давомчиларини турли ёт унсурлардан ҳимоя қилиш, уларни бузғунчи ғоялар исканжасига тушиб қолишдан сақлаш масалалари давлатимизнинг устувор вазифасига айланди.

Жумладан, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг юксак маънавиятга эга бўлишлари йўлида кўплаб тадбирлар, тушунтириш ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Алоқачилар қисмида ўтказилган «Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид» номли маънавий-маърифий анжуманда ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Бугунги ўтказилаётган тадбирга бутун шахсий таркибни жалб қилганмиз, – дейди офицер Азиз Умурзоқов. – Мақсадимиз мутахассислар томонидан қилинадиган турли мавзудаги маърузалар улар онгида эзгулик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантирсин.

Тадбирни Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази илмий услубий бўлими мудири Убайдулло Олтинов кириш сўзи билан очиб, анжуманнинг мақсади ва аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида қўйилган вазифалар тўғрисида йиғилганларга маълумот берди.

Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бош мутахассиси Миродил Ҳайдаров «Диний экстремизм ва фундаментализм – тараққиёт кушандаси» мавзусида маъруза қилди. У маърузасида динни ниқоб қилиб олган турли экстремистик гуруҳлар ва уларнинг ноқонуний фаолиятлари, маънавиятимизга етказаётган зарарлари тўғрисида сўзлаб, уни далиллар асосида исботлаб берди.

– Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбир биз посбонларга манзур бўлмоқда, – дейди кичик сержант Мансур Аҳмедов. – Кўтарилаётган масалалар бугуннинг энг долзарб мавзулари ҳисобланади. Булар бўйича қанчалик кўп ва тўғри маълумотга эга бўлсак, бу бизнинг маънавий ютуғимиз саналади.

Республика ОИТСга қарши кураш марказининг шифокори Абдувоҳид Норматов «ОИТСнинг профилактикаси» мавзуида маъруза қилиб, бедаво дарднинг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, ОИТСнинг юзага келиши, салбий оқибатлари ва ундан сақланиш учун қандай профилактик амалларни бажариш лозимлиги ҳақида ҳам батафсил гапириб берди.

Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокори, нарколог Жўра Тоиров «Гиёҳвандликка қаршимиз – соғлом турмуш тарафдоримиз» номли маърузасида қора оғунинг жирканч оқибатлари, бу офатдан сақланиш чоралари хусусида сўзлади.

– Мутахассисларнинг маърузалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмагани шубҳасиз, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Зулфия Рустамова. – Маърузачилар таъкидлаганидек, ОИТС ва гиёҳвандлик домига бугун кўпчилик ёш қиз-жувонлар ҳам тушиб қолишмоқда. Бу жамият учун энг катта хавф, деб ўйлайман. Ахир улардан туғилаётган носоғлом болаларнинг келажаги йўқ. Шунинг билан бирга бундай жирканч иллатларнинг оқибати уларни бевақт хазон қилишга олиб келишини ёшларимиз онгига сингдириш муҳим масала деб биламан. Бунинг учун бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини янада кенгайтириш лозим.

Республика Маънавият тарғибот маркази Ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлими мудири, шоира Ҳалима Жуманиёзова «Маънавият – инсонни комилликка етаклайдиган беқиёс куч» номли маърузасида маънавияти юксак инсон ҳеч қачон юқоридаги жирканч иллатлар домига тушиб қолмаслиги ҳақида гапириб, республикамизда маънан комил инсонни тарбиялаш борасида Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган улкан ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

– Бу каби маънавий-маърифий тадбирларни янада кўпроқ ўтказиш лозим, деб ўйлайман, – дейди қисм ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Дилфуза Ондаева. – Келгусида мазкур тадбирларга нафақат ҳарбий хизматчиларни, балки уларнинг оила аъзоларини ҳам жалб қилишни мақсад қилганмиз.

Тадбир сўнгида «Марказий Осиёда барқарорликка таҳдид солаётган диний экстремистик оқимлар» ва «Қил устида» фильмларининг намойиши бўлиб ўтди. Ишончимиз комилки, тадбир иштирокчилари мутахассислар томонидан қилинган маърузалардан тегишли хулосалар чиқариб олишиб, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муносиб ҳиссаларини қўшишади.

Кичик сержант Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.





ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ НАЗОРАТ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ёз ажойиб фасл, лекин йилнинг энг иссиқ ушбу мавсумида турли юқумли касалликлар тарқалиши хавфи ортади. Ўзбекистонда, қайси мавсум бўлишидан қатъи назар, эпидемияга қарши зарур чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бироқ оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, айрим қўшни давлатларда яқинда ўта хавфли зооноз инфекциялар, яъни ҳайвондан одамга юқадиган қуйдирги ва қутуриш касалликлари авж олгани қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Баҳтиёр НИЁЗМАТОВ ЎзА мухбирига мамлакатимиз санитария-эпидемиология назорати хизмати ушбу касалликларнинг ҳудудимизга кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида қандай ишларни амалга ошираётгани ҳақида сўзлаб берди.

– Юртимизда бирон бир юқумли касаллик пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган доимий ва изчил ишлар ўз самарасини бермоқда. Негаки, мамлакатимизда бунга алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилаётган, эпидемияга қарши махсус тадбирларни ўз ичига олган, ўзаро боғлиқ саъй-ҳаракатлар, ташқаридан инфекциялар кириб келишига йўл қўймаслик борасидаги ишларнинг назорат остига олингани ва аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётгани туфайли республикамизда барқарор эпидемиологик вазият сақланиб турибди.

Айниқса, давлат чегараси туташган жойларда фаолият кўрсатаётган санитария-назорат пунктлари томонидан назорат кучайтирилган. Бу ерларда ишлаётган мутахассислар мамлакатимизга ташриф буюраётган барча фуқароларни, касалликка чалинганликда гумон қилинган шахсларни аниқлаш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Ташхисни тасдиқлаш учун қўшимча текширувлар ўтказилмоқда, зарурат туғилганда эса бундай бемор зудлик билан шифохонага ётқизилиб, унга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу борада эпидемияга қарши тадбирлар катта аҳамиятга эгадир. Улар мунтазам амалга оширилади, лекин сайёрамизнинг бошқа минтақалари, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда юқумли касалликлар тарқалгани ҳақида маълумотлар пайдо бўлганда, бундай тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда янада кучайтирилади. Масалан, бугунги кунда айрим қўшни давлатларда қуйдирги ва қутуриш касалликлари бўйича вазият кескинлашгани сабабли Ўзбекистон санитария-эпидемиология назорати хизмати ушбу касалликларнинг ҳудудимизда пайдо бўлишининг олдини олиш учун алоҳида чора-тадбирларни кўрмоқда.

Бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ўтказиш жуда муҳим. Мисол учун, ҳаммамизга маълумки, қутуриш касаллиги ҳайвоннинг тишлаши ёки сўлакайининг тегиши орқали юқади. Бундай ҳолатда зудлик билан шифокорга мурожаат қилинмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бугун шифохоналарнинг барча жарроҳлик ва травматология бўлимлари, поликлиникалардаги травматология пунктлари ҳамда махсус хоналар ушбу касалликка қарши вакцина билан тўлиқ таъминланган. Яна шуни таъкидлаш керакки, бу бепул, замонавий ва ниҳоятда таъсир кўрсатадиган вакцина бўлиб, бир курс даво олиш учун аввалгидек 40 дан ортиқ эмас, балки 5 дозаси етарлидир. Жойларда ветеринария шифокорлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир уй ҳайвони қутуришга қарши эмланиши ва рўйхатга олиниши зарур. Уларни парваришлаш қоидаларига риоя қилиш лозим. Айниқса, номаълум ҳайвонларга яқинлашмаслик, улардан болаларни эҳтиёт қилиш керак. Аҳоли булар ҳақида оммавий ахборот воситалари – газеталарда чоп этилаётган мақолалар, радио ва телевидениеда берилаётган эшиттириш ҳамда кўрсатувлар орқали бохабар қилинмоқда. Бундан ташқари, яшаш жойларида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилмоқда, тегишли плакатлар чиқарилмоқда.

Қуйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича ҳам тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Чорва молларининг ветеринар кўригисиз сўйилиши, касал ҳайвонлар гўштини нимталаш, етарли даражада термик ишлов берилмаган гўштни истеъмол қилиш одамларнинг бу касалликка чалинишининг асосий сабаблари саналади. Шу боис лоҳасликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши биланоқ тезда шифокорга мурожаат қилиш даркор.

Бундай ёрдам малакали ва ўз вақтида кўрсатилиши учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур доирасида барча тиббиёт ходимлари юқумли касалликлар бўйича қўшимча ўқитилмоқда. Шу билан бирга, республикамиздаги юқумли касалликлар шифохоналари зарур ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари, керакли дори-дармонлар билан таъминланган. Жойлардаги вазият тўлиқ назорат остига олинган. Бу ишларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кечаю кундуз фаолият кўрсатаётган Республика эпидемияга қарши штаби, вилоят ва туманлардаги штаблар бажармоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда нафақат ушбу юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, балки уларнинг кириб келиши ва пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида эпидемияга қарши комплекс назорат амалга оширилмоқда.

ЎзА мухбири
А. ИВАНОВА ёзиб олди.

МУЛОҲАЗА

ҚИСМАТ ЭШИКЛАРИДА АДАШМАНГ...

“Зумрад ва Қиммат” эртаги эсингиздами? Сеҳргар кампирнинг ертўласида иккита: қизил ва оқ эшик бўлади. Яхши хулқи, ақл-идроки, одоби билан кампирнинг меҳрини қозонган Зумрад қизил эшикдан кириб, қизил сандиқни қўлга киритади. Эрка-тантиқ Қиммат эса ўзининг калтабинлиги, эркатойлиги, ноқобиллиги боис оқ эшикдан кириб, оқ сандиққа эга чиқади. Эртак қандай якун топгани эса ҳаммамизга яхши маълум.

Аслида эртакларда халқнинг миллий қиёфаси, қадриятлари, инсоний фазилатлари, эзгу орзу-умидлари мужассам бўлади. Бир қараганда бу эртак ҳам инсон ҳаёти, ибтидо ва интиҳосини ўзида акс эттирганга ўхшайди. Ундаги ғоя аён: экканингни ўрасан! Ҳаётда ҳам шу – ёмонлик уруғини қадаб, яхшилик ҳосилини йиғиб бўлмайди. Қисматнинг ўзи ҳар кимни ўз феъли, қилмишига муносиб эшикка йўналтиради. Узоқни кўра биладиган, оқил, соғлом фикрли инсонлар албатта бахт ва саодат эшигига рўбарў келадилар. Калтабин, енгилелпи ҳаётга учган, оғирнинг устида, енгилнинг остида юриб ўрганган, очкўз ва мунофиқ кимсаларнинг ҳам ўз борар эшиги бор.

Қизил эшик

Азалдан халқимиз фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келади. Зурёди келгусида ўзи эриша олмаган ютуқларни қўлга киритишини, юксак марраларни забт этишини истайди. Ана шу эзгу фазилат ҳукуматимизнинг ёшлар камолотига қаратилган сиёсатида ҳам яққол ўз ифодасини топган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра доно, кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Ана шу эзгу мақсадда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар ёшларимизнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-ҳунар сирларини ўрганиши, маънан ва жисмонан чиниқиши учун пухта пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Бундан йигирма йиллар аввалги қишлоқ мактабларини кўз ўнгингизга келтиринг. Бир қаватли, пастқам, кўримсиз иморатлар, эски-туски парталар, бир неча авлодга хизмат қилиб чарчаган доскаю стол-стуллар, ёзда дим, қишда совуқ, каталакдек синфхоналар... Икки-уч сменалаб ўтиладиган дарслар...

Бугун манзара бутунлай бошқача. Энг олис қишлоқларда ҳам замонавий талабларга жавоб бера оладиган таълим муассасалари барпо этилмоқда. Бир пайтлар қишлоқ мактабларида ўқувчилар компьютер нималигини фақат дарсликдаги суратлару, доскага ўқитувчи чизиб берган махсус схемалар орқали билишган бўлса, бугун бошланғич синф ўқувчиси ҳам компьютернинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур муҳим ҳужжатлар янги, замон талабларига мос умумтаълим масканларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув, лаборатория жиҳозлари ва компьютер ускуналари билан таъминлаш, таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш имконини бермоқда.

Маълумотларга кўра, 2004-2008 йилларда жами 6544 умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жумладан, 275 янги мактаб бинoси барпо этилган. Шунингдек, 1757 мактаб капитал реконструкция қилинди, 2866 мактаб капитал, 1646 мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. Бу борадаги ишлар ихтисослашган мактаблар, махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари, таълимдан ташқари муассасаларни ҳам қамраб олмоқда. Айни пайтда мактабларни ўқув-лаборатория жиҳозлари, мебеллар, компьютер техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунча шарт-шароит, эътибор ва ғамхўрликдан мақсад аён: баркамол, ҳар томонлама етук, мамлакат келажагини ўз зиммасига олишга қодир авлодни вояга етказиш.

Бугун юртимизнинг бирор туман ёки шаҳри йўққи, унда касб-ҳунар коллежи ёки академик лицей қурилмаган бўлсин. Телевизор ёки радио қулоғини бурасангиз, деярли ҳар куни юртимизнинг у ёки бу бурчагида замонавий болалар спорт мажмуаси ёхуд таълим-тарбия маскани болажонларга қучоқ очганидан хабар топасиз.

Айнан ана шу коллеж ёки лицейларда келажакнинг баркамол эгалари, бўлғуси олиму фозиллар, қўли гул қурувчию уста ҳунармандлар таҳсил олмоқда. Ушбу спорт мажмуаларида келгусида юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда ҳимоялашга қодир умидли спортчилар камол топаётир.

Исталган коллеж, лицей ёки мактабга кириб, у ердаги имкониятларга бир назар солинг: энг замонавий компьютер технологиялари, барча зарур адабиётларни ўзида жамлаган ахборот-ресурс марказлари, спорт зали мавжуд, ошхонаю ётоқхоналар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мамлакатимизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими таҳсилни давом эттиришни истаган ёшлар учун исталган олий ўқув юртида билим олиш имконини беради. Ҳар йили минглаб ёшлар олий ўқув юрти талабаси деган номга муяссар бўладилар. Юртимиздаги олтмишдан зиёд олий таълим муассасаларида юзлаб мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор ёшларимиз ҳаётида ҳам ўз самарасини бераётир. Мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз корхонаси ёки фермер хўжалигини ташкил этиб, ҳам ўз оиласи, ҳам юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган ёшлар озмунчами?!

Бир пайтлар отаси бригадирлик қилиб, косаси оқармай келган бўлсаю, бугун унинг ўғли ўнлаб гектар ерни бошқариб, янги «Нексия» ёки «Ласетти»ни гижинглатиб юрган бўлса, бундан ким ажабланади? Заводдан оладиган ойлигини учма-уч рўзғорга етказиб юрган инженернинг қизи хусусий тикув фабрикаси очиб, ўнлаб кишиларни иш билан таъминласа, сифатли маҳсулотларни чет элларга экспортга чиқарса-чи? Мана, сизга истиқлол яратиб бераётган имкониятлар самараси...

Бир пайтлар ўғлининг бўйи чўзилиши билан ота-онанинг дилига хавотир тушарди. «Болагинамни ҳадемай армияга чақириб қолади» деб турли баҳоналар билан ўғлини ёт элларга жўнатишдан олиб қолиш чорасини кўрарди. Бугун эса ҳарбий хизмат, Қуролли Кучлар сафида ўз бурчини ўташ ҳар бир ўзбек йигитининг шон-шараф ишига айланди. Энди армияга бормоқчи бўлаётган йигит худди олий ўқув юртига киргандек имтиҳон топширади, ҳар томонлама синовдан ўтади. Чунки Ватанга соғлом, ақлли, билимдон ва кучли посбонлар керак.

Юртбошимиз ташаббуси билан умидли, истеъдодли ёшлар учун таъсис этилаётган турли мукофотлар, мунтазам ўтказилаётган мусобақалар, кўрик-танловлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу пайтга қадар юздан зиёд энг истеъдодли қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Яна юзлаб ёш истеъдодлар «Ниҳол» ва бошқа мукофотлар соҳибига айланди. Улар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Бундай хайрли ва улуғвор ишлардан кўзланган мақсад ҳам аён: бизнинг ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини амалда кўрсатиш.

Қатор халқаро мусобақалардан, фан олимпиадаларидан, мусиқа фестивалларидан шода-шода медаллар билан қайтаётган ёшларимиз ана шу ҳақиқатни яна бир карра исбот этмоқда.

Бугун камолга етган навқирон ҳамюртимиз ўқийман деса, малакали мутахассис бўлиб етишиши шубҳасиз. Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга отланган йигитларимизнинг ҳам истиқболи порлоқ. Хизматни аъло даражада ўтаса, ўқишга кириш имконияти янада кенгаяди. Ишлайман деганлар учун ҳам шароитлар етарли. Фақат истак ва ҳавас бўлса бас. Тадбиркорлик ёки фермерлик ҳавасида юрганлар учун ҳам йўл очиқ. Хуллас, иқтидорли, билимли, қобилиятли ёшларимиз учун имкониятлар чекланмаган. Ўзининг порлоқ келажаги пойдеворини яратиши учун барча шароит муҳайё қилинган.

Оқ эшик

Ҳаётда ўз феъли, калтабинлиги, ҳою ҳавасга ўчлиги туфайли айримлар тақдирнинг аянчли зарбасига учрайдилар: кулфат келтирувчи эшикдан кириб, бало сандиғи билан тўқнашадилар. Бу «сандиқ»нинг ранги оқ бўлса-да, ичи қора эканлиги, ташқи кўриниши, нақшу нигорлари билан кўзни олса-да, охир-оқибат мисли сиз афсус-надоматлар келтиришини улар кўпинча англаб етмайдилар. Афсуски, ёшларимиз учун бахт, имконият, муваффақият эшиклари ланг очиқ бўлгани ҳолда, кўпчилик билиб-билмай «оқ эшиклар» сари йўл солади.

Келинг, ана шу эшиклар оша ичкарига бир кўз ташлайлик.

Бир танишим бўларди. Тагли-зотли оиланинг фарзанди эди. Отаси катта тадбиркор, онаси ҳам бозордан бери келмайди. Эркатой ўғилнинг егани олдида, емагани кетида. Биз ҳаммамиз унга ҳавас билан қарардик. Ота-она унинг моддий тўкислиги учун ҳамма шароитни яратиб қўйдию, маънавий оламини бойитишга келганда... Кўп ўтмай, йигитча ота-онасидан оладиган мўмайгина пулларни фақат гиёҳванд моддаларга сарфлаши маълум бўлди. Ота-она бу мудҳиш сирдан огоҳ бўлганида, ғишт қолипдан кўчган, ўғил гиёҳвандлик ботқоғидан чиқа олмайдиган ҳолатга тушиб бўлган эди...

Гиёҳвандлик бугунги кунда бутун дунё аҳлини ташвишга солаётган муаммолардан бири бўлиб қолаётир. Бир лаҳзалик лаззат учун бутун умрини қурбон қилишга тайёр ёшлар, афсуски, бизнинг орамизда ҳам учрайди. Бу оғу не-не умрларни хазон қилаётир, гулдек йигит-қизлар унинг макрига учиб, ҳалокат гирдобига ғарқ бўлмоқда, шу бало туфайли қанчадан-қанча ногирон гўдаклар дунёга келаётир, не-не оилалар парчаланиб кетаётир. Бунинг асл сабаби қаерда? Йўл бошида адашиш, ҳузур-ҳаловат илинжида оқ эшикка бош суқишда эмасми?

Шарқ азалдан ибо-ҳаё, андиша, ор-номус маскани бўлиб келган. Хусусан, ўзбек халқи қадимдан ўз фарзандларини иболи, иффатли қилиб тарбиялаган. Аммо глобаллашув, оммавий маданият, ғарбона турмуш тарзи сингари ёввойи тўлқинлар ҳаётимизга шиддат билан ёпирилиб кира бошлади. Турли беандиша томошалар, шармсиз фильмлару қўшиқлар ёшларимизнинг онгини заҳарлаётгани барчамизни ташвишга солади.

Бу эса, ўз навбатида, фаҳш, зино, бузуқлик сингари ярамас иллатларнинг урчишига замин яратаётир. Гоҳида ўзбек қизларининг ана шундай жирканч кўчаларда жавлон ураётгани, ҳатто ёт элларда ҳам шу йўл билан даромад орттиришга интилаётгани ҳар бир номусли инсонни ўйлантириши табиий. Енгил-елпи ҳаёт, шаҳвоний лаззат илинжи инсонни не кўйларга солиши аён.

Бугунги кунда бутун дунё ОИТС аталмиш даҳшатли касалликнинг давосини излаш устида бош қотираётир. Бу касалликка чалинаётганларнинг асосий қисмини ахлоқий бузуқ ҳамда гиёҳвандликка берилган кимсалар ташкил этиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, ОИТС фаҳш ва наркоманиянинг бир қоиндан талашиб тушган қондоши, десак, муболаға бўлмайди. Поклик, озодалик, соғлом турмуш тарзини ўзига шиор қилиб олган инсонга бу бало хавф сололмайди.

Кейинги йилларда чет элга бориб пул ишлаб келишни кўплаб ёшларимиз келгусидаги фаровон ҳаёт кафолати сифатида тасаввур этмоқда. Ана шу хом хаёл илинжида мунофиқ, фирибгар кишиларнинг макрига алданиб, кейин афсус-надоматга ботаётганлар озмунчами? Яқинда таниқли бир олима билан суҳбатлашиб қолганимда бир воқеани айтиб берди.

– Ён қўшнимизнинг бўйи етган боласи хорижга бориб ишламоқчи бўлиб қолди, – дейди опа афсус билан. – Хорижга бораётганларнинг ҳаммаси қўйнию-қўнжи пулга тўлиб қайтмаётгани, кўплар турли балою офатларга гирифтор бўлаётганини кўриб, уни бу йўлдан қайтаришга уриндим. У эса, барибир айтганини қилди. Орадан икки ой ўтмай, бечора боланинг вафот этгани ҳақида хабар келди. Ота-онаси не кўйга тушганини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бўйнигача қарзга ботиб, йигирма кун деганда фарзандининг жасадини опкелиб, тупроққа қўйди...

Таассуфки, бундай ҳодисаларни тез-тез эшитяпмиз. Бундан ташқари одамфуруш малъунларнинг пуч ваъдасига учиб, ўзгаларга қул қилиб сотилаётган йигитларимиз, номуси поймол этилаётган хотин-қизларимиз ҳам йўқ эмас. Диний ақидапарастлик, терроризм, миссионерлик, уюшган жиноятчилик сингари қанчадан-қанча жаҳолат ва қабоҳат йўллари борки, улардан юрган киши эртами-кечми, албатта, афсус-надомат чангалига тушади.

Хўш, ана шундай ачинарли, ғариб аҳволга тушиб қолмаслик учун нима қилмоқ керак? Ҳар бир инсон, ҳар бир йигит-қиз зулфинини қоқмоқчи бўлиб турган эшик ортида нималар борлиги билан қизиқиб кўрмоғи лозим. Охирини ўйлаб қилинган ишнинг оқибати ҳам хайрли бўлади.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, Ватан равнақи аввало шу юрт фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқ. Шундай экан, ёшларимиз жаҳолат, фалокат эмас, камолот, эзгулик эшиклари томон дадил боришлари лозим. Бунинг учун эса юртимизда барча имкониятлар мавжуд.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТАНЛОВ

МУСТАҚИЛ ЮРТ ПОСБОНЛАРИМИЗ,

Жасорат умрига мезон азалдан,
Шаҳду шиддатига дунё берган тан.
Орияту виждони, имони – Ватан,
Чақмоқдир ўзбекнинг алп ўғлонлари.

Ҳа, ўзбек ўғлонларини чақмоққа қиёсласа арзийди. Айниқса, мамлакатимиз тинчлигию мустақиллигимиз барқарорлигини кифтида тутиб келаётган Ватан ҳимоячилари юртнинг олмос қалқонларидир. Метин сафлардан жой олган ҳар бир ўғлон эса мамлакат шаъни, шарафи, ғурури эрур. Бугун улар ҳар жабҳада илғор, ҳар жабҳада ғолиб. Жанговар шай, маънавий комил, интеллектуал салоҳияти юксак ўғлонлар улар. Мана шундай йигитлар комиллик бобида неларга қодир эканликларини синовдан ўтказиш мақсадида ўзаро беллашдилар.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида ташкил этилган анъанавий «Балли, йигитлар!» танловидан ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, тафаккурларини бойитиш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида уларни эзгу ишларга руҳлантиришдек мақсад кўзланган.

Шу ўринда Юртбошимизнинг: «Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима деган саволга ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз», деган фикрлари хаёлдан ўтади.

Ҳа, маънавий жасорат бор экан, Ватанни ҳимоя қилишга унинг истиқлолини кўз қорачиғидек асраш туйғуси юракларда аланга олаверади.



ШУНҚОР ЭРУР БУ ЙИГИТЛАР

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида «Балли, йигитлар–2009» танловининг якунловчи босқичга йўлланма олган жамоалар иштирокидаги муросасиз маънавий-маърифий, интеллектуал баҳс мухлислар томонидан катта олқишлар ила қарши олинди.

Танловда тўртта жамоа – «Фазо», «Десантчи», «Қанотли шамшир» ва «Водий шунқорлари» жамоалари иштирок этишди. Уларнинг тўрт хил – «Саломлашув», «Дубляж кўриги», «Сардорлар беллашуви», «Уйга вазифа» шартлари бўйича ижро этган саҳна кўринишлари, саволларга муносиб жавобларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Муқимий номидаги мусиқали ва драма театри актёри Турғун Бекназаров бошчилигидаги нуфузли ҳайъат аъзолари одилона баҳолаб боришди.

«Сиз биласизми, биз ким?», деб номланган эркин мавзудаги саломлашув шартида ҳар бир гуруҳ аъзоси зиммаларидаги шарафли бурч ҳамда жамоа аъзолари қандай сифат ва қобилиятга эга эканлигини яқиндан таништириб ўтди. Муҳими, бу баҳсда уларнинг санъат, шеърият ва қўшиққа бўлган муҳаббату қизиқишлари яққол намоён бўлди. Яъни қайсидир жамоа ушбу шартда сўзлар дурдонасидан, қайси бирлари қўшиқ ёки шеърият орқали ўзларини таништиришди.

Элим лочин бургутлари,
Қоя ўпган йигитлари,
Ғурури тоғ, ори осмон,
Ўзбекнинг мард десантчилари.

Танловда «Ватан қалқонимиз биз десантчилар – Темур авлодлари кучли жангчилар» шиори остида қатнашган асосан муддатли ҳарбий хизматчилардан тузилган «Десантчилар» ҳар бир чиқишларида ўзига хослиги билан ажралиб туришди. Бунда жамоа сардори оддий аскар Ойбек Салимовнинг қобилияти, иқтидорини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ

Иккинчи «Армия кино саҳифаларида», деб номланувчи дубляж кўриги шарти томошабинлар учун ғоят қизиқарли кечди. Бунда жамоа иштирокчилари ўзлари тайёрлаб келган бадиий фильм, мультфильм, театр кўриниши, ҳажвия ёки бошқа телеславҳаларга овоз беришлари лозим.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, танлов иштирокчилари дубляж соҳасида ҳам ўзига хос иқтидорга эга эканликларини намоён қилишди.

Табиийки, жамоалар «Дубляж кўриги» шартига бир оз ҳажвий йўналишда ёндашишди. Бу эса ушбу шартнинг янада қизиқарли кечишини таъминлади. Айниқса ушбу йўналишда «Водий шунқорлари» ҳамда исми жисмига монанд «Қанотли шамшир» жамоалари овоз берган фильмлар томошабинлар олқишларига сазовор бўлиб, ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

«Ҳар соҳадан бир шингил», дея номланган сардорлар беллашуви эса, муросасиз баҳслар остида кечди. Экран орқали намойиш этилган учта саволга ўттиз сония вақт ичида жавоб берган сардорлар ўзларининг қай даражада билим ва иқтидорга эга эканликларини намойиш этишди.

Бу шартда «Фазо» жамоасининг сардори шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Зиёдулло Мусаев етакчиликни қўлга киритиб, энг юқори баллга сазовор бўлди.

Ўғлонларнинг интеллектуал салоҳиятда ҳар бир шарт бўйича ҳарбийларга хос ғайрат ила саҳнага чиқишларини четдан кузатар эканман, беихтиёр шоирнинг:

Йигитлар – Ватаннинг фахри-ғурури,
Йигитлар – халқларнинг ори-сурури,
Оналар юрагин қўри, кўз нури,
Ватанни қўриқлар йигитнинг зўри,
деган сатрлари хаёлимдан ўтади.

Чунки мана шу зўр йигитлар айни дамда юксак маънавияти, маданиятини саҳнада намойиш этишмоқда.



ТАНЛОВ

ҲАР ЖАБҲАДА МАРДУ МУЗАФФАР

ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАР ҲАР ОНЛАРИ

Ҳарбий хизматчиларнинг таътил кунлари қандай ўтади? «Ҳарбий хизматчи таътилда», дея номланган уйга вазифа шартида айнан мана шу масалага эътибор қаратилди.

Масъулиятли вазифани бажаргандан сўнг, кўнгилли ҳордиқ чиқаришнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Ҳарбий хизматчиларнинг туғилган гўшаларидан, ота-она ва яқинларидан узоқда хизмат қилишларини инобатга олсак, уларнинг аввало таътил чоғида киндик қони тўкилган маскан томон интилишлари табиий.

Жамоалар саҳнага олиб чиққан кичик саҳна кўринишларида ҳам бу ҳаётий ҳақиқат ўз аксини топди. Яъни таътил чоғида фарзандининг йўлига кўз тикиб турган ота-онанинг кўнглини олиш, қолаверса таълим берган, қалбига илк бора Ватан туйғусини сингдирган устозларнинг заҳматли меҳнатини унутмаган ҳолда уларни йўқлаш, бевақт ҳаётдан кўз юмган сафдошлари, дўстларининг ота-онаси, оиласи холидан хабар олиш, хотирлаш каби бир қатор эзгу-амаллар йигитларнинг актёрлик қобилияти уйғунлигида саҳнада намойиш этилди.

Айниқса, «Водий шунқорлари» жамоаси иштирокчиларининг Ватанимиз тинчлиги, мустақиллигини асраш йўлида мардларча ҳалок бўлган ўғлоннинг дўстлари унинг отаси ҳузурида бўлиб, хотирасини ёд этишлари таъсирли кўринишда акс эттирилди. Дуо қилиб қолган отахоннинг қулоғи остида эса фарзандининг мардонавор сўзлари янгради: «...Отажон, асло ўксиманг, йиғламанг. Мен мана шу дўстларим сафида, хотирасида доимо яшайман. Уларни кўрганда худди мени кўргандек бағрингизга босинг, меҳрингиз қонади. Отажон, унутманг, мен элу-юрт хотирасида мангу барҳаётман».

Ҳаёт эзгулик ва ёмонликдан иборат. Бу қарама-қарши туйғулар ўртасида доимо кураш бўлиб келган «Балли йигитлар–2009» танлови иштирокчилари ҳам ҳаётнинг айнан мана шу мунозарали қирраларини актёрлик маҳоратлари ила саҳнада намойиш этишди. Саҳна кўринишлари орқали эзгуликнинг жаҳолат устидан доимо ғолиб чиқишини акс эттиришди.

Мазкур шартда «Қанотли шамшир» жамоасининг ўзига хос ижросини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Кичик сержант Давронбек Тошбеков етакчилигидаги жамоанинг ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, одам савдоси билан боғлиқ глобал муаммоларга қарши кураш мавзуси билан боғлиқ саҳна кўринишларини томошабинлар илиқ қаршилашди.

ОДИЛ БАҲО, ОДИЛОНА ЭЪТИРОФ

Ҳар қандай танловнинг сўнгги – ғолибларни эълон қилиш дақиқалари ҳаяжонли кечади. Бу онлар нафақат жамоалар, балки томошабинлар учун ҳам сурурли ва ҳаяжонлидир.

– Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйи арафасида, юртимиз посбонлари ўртасида ўтказилган бу беллашувдан улкан таассурот олдим, – дейди таниқли санъаткор Турғун Бекназаров ўз ҳаяжонини яширмай. – Жиддий қиёфали, кескир сўзли бу йигитлар саҳнада қай даражада зукко, билимдон, қобилиятли эканликларини намойиш этиб, нафақат жанговар шайликлари балки зукколик, маънавий комилликлари билан ҳам Ватанимизни ҳимоя қила олишларини исботлашди.

Мен кўплаб мана шундай тадбирларда иштирок этганман. Лекин «Балли йигитлар» танлови ўзига хос йўналиши, юксак савияси билан эътиборни тортди. Ҳа, ҳарбийларнинг қобилиятига тан бермай илож йўқ. Шу сабабли жамоаларга балл қўйишимиз қийин кечди.

Шундай қилиб биринчи ўринни энг юқори балл билан «Водий шунқорлари» терма жамоаси аъзолари эгаллашди.

Иккинчи ўрин «Фазо» жамоасига насиб этди.

Учинчи ўринни «Қанотли шамшир» терма жамоаси қўлга киритган бўлса, тўртинчи – рағбатлантирувчи ўринга «Десантчи» жамоаси лойиқ топилди.

Танлов иштирокчиларига Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқулов Мудофаа вазирлиги томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Албатта, бундайин нуфузли беллашувда ғолибликни қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун масъулиятли хизмат давомида тинимсиз изланиш, интилиш, яъни тайёргарлик кўриш лозим.

Хўш, ғолибларимизнинг бу борадаги фикрлари қандай?

– Аввало ҳар бир жамоани эришган муваффақият ва ютуқлари билан қутлайман, – дейди «Водий шунқорлари» жамоаси бошлиғи офицер Абдуваҳоб Абдуқодиров. – Йигитларимиз ҳам якуний босқичга астойдил тайёргарлик кўришди. Саҳнада ижро этилган ҳар бир кўриниш сценарийси ҳамда шеърларни ўзлари ёзишди. Бунда жамоа аъзоси, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Собиржон Абдувоҳидовнинг хизмати катта. Энг мукаммал асар ҳам албатта ижро маҳорати орқали юзага чиқади. Бу борада иқтидорли йигитларимиз сержантлар Баҳодир Исломов, Исматулло Маматалиев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи – оддий аскарлар Шокиржон Маҳкамов, Комилжон Абдураҳмонов, Ойбек Сиддиқовларнинг хизмати катта.

«Балли йигитлар–2009» танловининг мароқли ўтишида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари хизматини ҳам эътироф этиш жоиз. Улар томонидан тадбир давомида ижро этилган борилган қўшиқ ва рақслар даврага ўзгача файз бахш этди.

Ҳарбий соҳанинг масъулиятли жиҳатлари ҳақида кўп тўхталамиз. Бу борада Ватан ҳимояси йўлида туну кун бедор, ҳушёру сергак турган йигитларимизни қанча таърифу тавсиф этсак оз. Бундай маданий тадбирлар, интеллектуал баҳслар эса улардаги янги-янги ижобий қирраларни юзага чиқариб бораверади. Сўзимиз якунида уларга билдиражак тилагимиз битта. Яъни шоир сўзи билан айтганда:

Сизда ором қайда,
сизда тин қайда,
Сиз тўйиб ухлаган
битта тун қайда,
Элу юрт оромин
асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин
сизни ҳар жойда.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



СПОРТ

«Лондон – 2012» умидлари

ИРОДАВИЙ ҚОБИЛИЯТ СОҲИБАСИ

Айни кунда мамлакатимизда енгил атлетикачиларнинг истеъдодларга бой янги авлоди пайдо бўлди, деб бемалол айта оламиз. Буни спортчиларимизнинг жаҳон майдонида эришаётган зафарлари ҳам тасдиқлайди. Шундай истеъдодли енгил атлетикачилардан бири Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Анна Сидоровадир.



Шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Анна СИДОРОВА. 1984 йилда туғилган. Енгил атлетика бўйича спорт устаси. 800 ва 1500 метрга югуриш бўйича халқаро мусобақалар ғолиби, кумуш ва бронза медаллари совриндори. Кўп карра мамлакат чемпиони ва Ўзбекистон кубоги баҳслари ғолиби. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги IV умумжаҳон ўйинларининг кумуш медали соҳибаси.

Ривожланган мамлакатларда «Олимпия ўйинларининг қироли» – енгил атлетикани ўз халқи орасида оммавийлаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор берилади. Чунки тиббиётчи олимларнинг хулосасига кўра, енгил атлетика инсон саломатлигини сақлаш ва фойдалилик коэффициенти бўйича энг самарали спорт турларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, Олимпиада ўйинларида энг кўп медаллар шодаси айнан шу спорт тури бўйича улашилади. Юрт шаъни, унинг халқаро майдондаги нуфузи учун ҳам бу спорт турини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Муайян танаффусдан сўнг юртимизда ҳам енгил атлетика соҳасида жонланиш, олға силжиш, ривожланиш кўзга ташланмоқда. Ўртадаги танаффус юртимизда бу спорт соҳасида авлодлар алмашинуви кечганлиги билан боғлиқ жараён бўлса, жонланиш, олға силжиш сўнгги йилларда юртимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор маҳсулидир. Марказий ҳарбий спорт клубида бугунги кунда кўплаб ёш истеъдодлар камол топаяпти. Улардан бири 800 метрга югуриш бўйича спорт устаси Анна Сидоровадир.

– Спортда юқори натижа кўрсатиш ва муваффақиятга эришиш учун спортчининг муайян бир мусобақага қандай тайёргарлик кўрганлигидан ташқари унинг иродавий хислати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Анна ана шундай ўзига хос характерга эга, иродали спортчи, – дейди унинг мураббийи Анвар Кўчмуродов. – Бу хусусиятини у 2007 йили Ҳиндистонда ўтказилган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги IV умумжаҳон ўйинларида намойиш қилди. Чунки мусобақалар олдидан, яъни IV умумжаҳон ўйинларига жалб қилинган спортчиларнинг аввалги эришган натижалари таҳлили бўйича Анна совринларга даъвогарлик қилувчилардан ҳисобланмаётган эди. Лекин у дунёнинг кучли спортчилари орасида ўзини йўқотмай, руҳий ва жисмоний жиҳатдан имкониятларини жамлашга эришди ва уни аниқ бир мақсад сари йўллай олди. Айнан ана шу иродавий хислати туфайли у Ҳиндистонда ўзининг энг яхши шахсий кўрсаткичини намойиш этди ва муваффақият қозонди – умумжаҳон ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди. Бундай фазилат, қобилият ҳамма спортчиларда ҳам бўлавермайди.

Анна Сидорова энди 25 ёшни қаршилади. Спортчилар, хусусан енгил атлетикачилар учун 23-28 ёш – айни шаклланган, кучга тўлган, ўз истеъдодларини тўлиқ намойиш этадиган, ўз навбатида йирик халқаро мусобақаларда қатнашиш тажрибаларини бойитадиган давр. Анна ҳам мусобақадан-мусобақага маҳоратини ошириб, шахсий кўрсаткичларини янгилаб бораяпти. Жумладан, у май ойида пойтахтимизда ўтказилган республика олий спорт маҳорати мактаблари очиқ биринчилигида 800 метрга югуриш бўйича 2 дақиқа 08,08 сония натижа кўрсатган бўлса, орадан бир ҳафта ўтгач, Ўзбекистон кубоги учун мусобақада 2 дақиқа 06,88 сония натижа билан ғолиб чиқди. Спорт устасининг июнь ойидаги натижалари эса янада юқори бўлди. У дастлаб Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада 2 дақиқа 05,92 сония натижа кўрсатди, сўнг Қозоғистонда 2 дақиқа 04,31 сония натижа билан янада нуфузлироқ мусобақанинг ғолибаси бўлди.

– Олимпиада ўйинларида Ватанимиз байроғи муваффақиятим туфайли баланд кўтарилишини кўриш энг буюк орзуим, – дейди қаҳрамонимиз. – Бу нафақат менинг, балки мен билан бирга шуғулланаётган аксарият клубдошларимнинг орзуси. Мақсадга эришиш учун тинмай шуғулланаяпмиз, маҳоратимизни мунтазам ошириб бораяпмиз. Бунинг учун бизга зарурий шарт-шароитлар яратиб берилган. Биздан эса тинмай шуғулланиш, изланиш талаб этилади ва келгусида биз, албатта, ўз мақсадимизга эришамиз.

– Аннанинг гапига тўла қўшиламан, – дейди мураббий А. Кўчмуродов. – Бугунги кунда МҲСК таркибида ва олий ҳарбий билим юртларида мамлакатимиз терма жамоасининг аъзоси бўлган бир қатор истеъдодли енгил атлетикачилар камол топаяптики, улардан келгусида катта муваффақиятлар кутиш мумкин. Хусусан, баландликка сакраш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, кичик сержант Надия Дўсанова, лангарчўпда сакраш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Леонид Андреев, тўсиқлар оша югуриш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Олег Норматов, тўсиқлар оша югуриш бўйича спорт устаси Анастасия Прошкина, найза улоқтириш бўйича спорт усталигига номзод, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Иван Зайцев ва бошқа бир қанча спортчиларимиз келгусида Олимпиада ўйинларида, жумладан «Лондон – 2012»да юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишади, деган умиддаман. Улар сафида албатта, Анна ҳам бўлади.

Яқинда Болгарияда ҳарбий хизматчилар ўртасида навбатдаги умумжаҳон ўйинлари бўлиб ўтди. Унда юртимиз спортчилари қатнашмаган бўлса-да, интернет орқали совриндорларнинг натижалари билан қизиқиб, уларни вакилларимизнинг шахсий натижаларига таққослаб кўрдим. Таҳлил Анна Сидорова каби спортчиларнинг мусобақада ўзига хос иродавий хислат намойиш этиши каби жиҳатлар инобатга олинмаган ҳолда, аниқ рақамларга таянилган ҳолда бўлди. У шуни кўрсатдики, агар енгил атлетикачиларимиз бу ўйинларда қатнашганида, уларнинг камида тўрт нафари совриндор бўлиши мумкин экан. Бу спортчиларимизнинг маҳорати йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатади.

Анна ўз спорт маҳоратини босқичма-босқич қай даражада ошириб бораётгани билан танишиш жараёнида у қўлга киритган совринлар билан ҳам қизиқдим. Қаҳрамонимизнинг қандай спортчи эканлигини билиш учун унинг 2009 йили қўлга киритган муваффақиятларини ўрганиш етарли бўлди. Анна Сидорова Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон кубоги ва бир неча халқаро мусобақаларда 800 метрга югуриш ва эстафета баҳсларида қатнашиб, уларнинг барчасида совриндор бўлган, яъни бу йилнинг ўзида 5 та олтин, битта кумуш медални қўлга киритган. Қаҳрамонимизнинг бу муваффақиятлари келгусида Олимпиада ўйинлари медали билан бойишини ва у ўз орзусига етишини тилаймиз.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Армейский спорт

НА ОЧЕРЕДИ – ЛЕТНЯЯ ОЛИМПИАДА

В феврале сего года с большим успехом была проведена зимняя олимпиада среди высших военно-образовательных учреждений (ВВОУ) Министерства обороны. И это событие дало толчок для проведения теперь уже летней олимпиады.

Главное отличие летней олимпиады от зимней будет состоять в том, что в ней примут участие не только представители военных училищ, но и курсанты окружных школ подготовки сержантов.

Установлены и сроки проведения. Так, олимпиада среди ВВОУ пройдет с 12 по 22 августа, а среди Школ подготовки сержантов военных округов – с 10 по 19 сентября сего года.

За это время конкурсанты померятся силами в решении задач по предметам боевой подготовки, преодолении горной полосы препятствий, меткости стрельбы из автомата и пистолета, знаниях по технической подготовке.

Особое внимание уделено спортивному блоку. Военные спортсмены покажут свое мастерство в комбинированной эстафете, летнем биатлоне, подтягиваниях на перекладине, боксе, настольном теннисе, плавании вольным стилем на 100 метров.

Традиционно популярен в молодежной среде и блок знатоков. В конкурсе «Балли, йигитлар!» участники будут состязаться оп темам: «Нам юмор жить и служить помогает», «Острословы» (среди капитанов), «Объявление в газете», «У курсанта – выходной», конкурс знатоков.

Одним словом, данные состязания послужат добрым целям создания атмосферы высокого морально-боевого духа, состязательности в курсантской среде, стимулирования повышения интеллектуального уровня нашей армии.

– Наши курсанты сейчас ведут интенсивную подготовку к предстоящим стартам летней олимпиады, – говорит начальник физической подготовки и спорта Специального факультета Ташкентского университета информационных технологий капитан Хамид Бобоев. – Наше выступление на зимней олимпиаде вышло не совсем удачным. Поэтому ребята горят желанием выступить лучше. И вообще, проведение подобных состязаний стало мощным стимулом для повышения уровня боевой подготовки личного состава, физической развитости и интеллекта курсантов. Так что, при любом исходе олимпиады мы не окажемся в проигрыше, хотя очень надеемся на успех.

На успех надеются все участники. Нет сомнений, во всех военных училищах и Школах подготовки сержантов военных округов в эти летние месяцы ведется упорная подготовка к этой летней олимпиаде. А победу одержит сильнейшая команда.

Зухра ЮНУСОВА.



СПОРТ

Теннис

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуида бир ҳафта мобайнида теннис бўйича Қуролли Кучлар очиқ чемпионати ўтказилди. Қуролли Кучларда теннисни янада оммавийлаштириш, қобилиятлиларнинг ўйин маҳоратларини янада ошириш, истеъдодли спортчиларни аниқлаш, армиячилар терма жамоаси учун номзодларни саралаб олиш мақсадида ўтказилган биринчилик том маънода ўзини оқлади.

Чемпионат тўртта ёш тоифаси йўналишида олимпия тизимида ташкил этилди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон теннисчилари ҳам иштирок этди. Очиқ биринчиликда қатнашган 200 нафардан ортиқ теннисчи ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб борди.

1991-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги баҳслар жуда қизғин кечди. Зеро, бу ёшда теннисчиларнинг маҳорат бобида айни шаклланиш даври ҳисобланади. Асосий сет баҳсларида барча рақибларидан устун келган Санжар Сайдиев ва Ботир Шапаев ўртасидаги финал учрашуви тенг кураш остида ўтди ва узоқ вақт давом этган баҳс 25 геймдан иборат бўлди. Биринчи сетда С. Сайдиев қийинчилик билан ғалабани ўз фойдасига оғдиришга эришди – 7:6. Иккинчи сетда Б. Шапаев мувозанатни тиклашга ҳарчанд уринмасин, омад яна Санжарга кулиб боқди – 7:5.


Бу ёш тоифаси бўйича қизлар ўртасидаги баҳсларда Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Виктория Карменова ғолиб чиқди. У финалда Мадина Қиличевани осонлик билан мағлуб этди – 6:1, 6:2. Виктория Қуролли Кучлар очиқ чемпионатида олтин медални қўлга киритган МҲСКнинг ягона вакили бўлди.

1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги баҳслар МҲСК вакиллари учун бошқа ёш тоифаси бўйича баҳсларга нисбатан бироз омадлироқ бўлди. Чунки ҳар икки, яъни ўсмирлар ва қизлар йўналишида ҳам МҲСК вакиллари чемпионат баҳсларининг финалигача етиб келди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Муҳаммад Аҳмад Жамол финалда Михаил Есиповга 6:4, 6:3 ҳисобида ютқазган бўлса, МҲСК аъзоси София Бахтиёрова финалда Гўзал Юсуповага 6:4, 7:5 ҳисобида имкониятни бой берди. Дарвоқе, Гўзал Юсупова 1995-1996 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги баҳсларда ҳам қатнашди. Бу йўналишда ҳам у муваффақиятли ўйнаб, ғолиб чиқди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳс финали Тожикистон ва Ўзбекистон теннисчилари ўртасида кечди. Унда ҳамюртимиз Улуғбек Файзуллаев ғалаба қозонди.

1999 йилда туғилган ва ундан ёш ўсмирлар ўртасидаги баҳслар финали ҳам икки мамлакат теннисчиларининг ўзаро курашига айланди. Азизхон Турсунов (Ўзбекистон) – Илья Таранин (Қозоғистон) баҳсида 6:4, 7:5 ҳисобида вакилимиз устун келди. Бу ёш тоифасидаги қизлар баҳсида Сарвиноз Бакирова ғолиб чиқди. У финалда Алика Исмоиловани 6:1, 6:1 ҳисобида мағлуб этди.

Чемпионат якунида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ёш теннисчиларга мусобақа медаллари, фахрий ёрлиқлар топширилди. Чемпионат баҳслари юртимизда кўплаб ёш истеъдодли теннисчилар камол топаётганлигини кўрсатди. Қуролли Кучлар ва мамлакат терма жамоаси учун номзод янги истеъдодлар кашф этилди.

Ж. РАСУЛОВ.



Футбол

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВ

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги энг кучли икки жамоаси – «Бунёдкор» ва «Пахтакор» ўртасида ўтказилган «пойтахт дербиси» миллий чемпионатимизнинг биринчи даврасига якун ясади.

Шубҳасиз, мазкур учрашув кўп минг сонли футбол мухлислари ва мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан кутилган эди. Зеро, жаҳоннинг энг яхши мураббийи (Луиз Фелипе Сколари, 2002 йил), энг яхши футболчиси (Ривалдо, 1999 йил), Осиёнинг энг яхши футболчиси (С. Жепаров, 2008 йил), Осиё чемпионлар лигасининг энг яхши тўпурари (З. Тожиев) ва Осиёнинг энг яхши ҳаками (Р. Эрматов, 2008 йил) бевосита иштирок этган ўйин ҳар қандай кишини ўзига ром этиши табиий.

«Пахтакор» ва «Бунёдкор»нинг бунгача бўлиб ўтган ўзаро учрашувлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 2007 йилдан «Бунёдкор» олий лига баҳсларида иштирок эта бошлаганидан сўнг миллий чемпионат миқёсида жамоалар тўртта ўйин ўтказишган ва уларнинг барчасида дуранг натижалар қайд этилган (3 марта 1:1, бир марта 0:0). Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган баҳсларнинг финал учрашувида 2 бора учрашган «Бунёдкор» ва «Пахтакор» ғалабани тенг бўлиб олишган – 2007 йилда «Пахтакор», 2008 йилда эса «Бунёдкор» мамлакат кубоги соҳибига айланган.

Шундай ажойиб кўрсаткичларга эга бўлган навбатдаги «пойтахт дербиси» ҳам кутилганидек жуда кескин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. «Жар» стадионида ўтказилган мазкур учрашувда мезбонлар дастлабки дақиқалардан устунликни ўз қўлларига олишга ҳаракат қилишди. Аммо ўйинга яхши тайёргарлик кўрган пахтакорчилар кескин қаршилик кўрсатишди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, ўйинда иккала жамоа футболчилари ҳам ўзларини аямай, жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишди. Натижада кўплаб қўполликлар ҳам содир этилди. Учрашув давомида бош ҳакам Р. Эрматов томонидан 10 та «сариқ» ҳамда 1 та «қизил» карточка (Х. Каримовга, 27-дақ.) кўрсатилгани ҳам буни исботлаб турибди.

«Бунёдкор»нинг машҳур бразилиялик легионери Ривалдо бу учрашувда ҳам ўзини кўрсатди. 21-дақиқада айнан Ривалдонинг аниқ тўп ошириб бериши натижасида Ж. Ҳасанов қулай вазиятга чиқди ва у томонидан берилган зарба натижасида тўп пахтакорчи А. Аликуловнинг оёғига теккан ҳолда дарвоза тўридан жой олди – 1:0. 58-дақиқада эса шу ҳол яна такрорланди: Ривалдонинг аниқ пасидан сўнг дарвозабон билан яккама-якка қолган Ж. Ҳасанов уни алдаб ўтди ва бўш қолган дарвозани нишонга олди – 2:0.

Учрашувнинг аксарият қисмини бир ўйинчи кўп ҳолда ўтказган пахтакорчилар айниқса 2-бўлимда кўплаб қулай имкониятларга эга бўлишди, аммо фақат бир маротаба ундан фойдалана олишди. 71-дақиқада А. Гейнрих майдон эгалари дарвозаси томон белгиланган жарима тўпини қойилмақом тарзда дарвозага йўллаб, ҳисобни қисқартирди – 1:2. Шундан сўнг уступликни ўз қўлларига олган пахтакорчилар бир қанча хавфли ҳужумлар уюштирдилар, аммо бу сафар омад улардан юз ўгириб, учрашув охиригача ҳисоб ўзгармай қолди. Натижада, «пойтахт дербиси»да илк марта ғолиб асосий вақтда аниқланди ва «Бунёдкор» мавсумдаги 15-ғалабасини қўлга киритиб, турнир жадвалида якка пешқадамликни давом эттирмоқда.

Миллий чемпионатимизнинг 2-давраси 6 август куни старт олади. Унгача бошқа олий лига жамоалари дам олишса, «Бунёдкор» ва «Пахтакор» мос равишда «Насаф» ва «Нефтчи»га қарши мамлакат кубогининг ярим финал учрашувларини ўтказишади.

Эслатиб ўтамиз, ярим финалнинг «Бунёдкор» ва «Насаф» жамоалари ўртасидаги биринчи учрашув бўлиб ўтган ва унда мамлакат чемпиони 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган. Жавоб учрашуви 30 июль куни Қаршида бўлиб ўтади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

ҚАЙДНОМА

ТРАМПОЛИН. Марказий ҳарбий спорт клуби вакили Марат Мустафин Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақанинг батутда сакраш бўйича баҳсларида кумуш медалга сазовор бўлди. Республика олимпия захиралари коллежи вакили Владимир Елисеев бронза, фарғоналик Сайёра Тожибоева аёллар ўртасидаги баҳсларда кумуш медални қўлга киритди. Ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда эса республика олимпия захиралари коллежи тарбияланувчилари Ҳусанбой Жонибеков батутда сакраш бўйича, Николай Комлачев акробатик сакраш бўйича баҳсларда ғолиб чиқди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Италиянинг Брессано шаҳрида ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 180 мамлакатнинг 1300 нафардан ортиқ спортчилари қатнашди. Вакилимиз Анастасия Свешникова улоқтирган найза 53, 23 метр узоқликка бориб тушди ва у ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Уч ҳатлаб сакраш бўйича баҳсларда қатнашган яна бир умидли спортчимиз Валерия Канатова 13,45 метр натижа кўрсатиб, жаҳон чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

ТЕННИС. Терма жамоамиз аъзоси Фарруҳ Дўстов Германияда ўтказилган «Фьючерс» турнирида қатнашиб, америкалик Райан Ризза билан бирга жуфтлик баҳсларининг бош совринини қўлга киритди. Улар финалда мезбонларнинг Петр Гойовжик ва Марк Зибер жуфтлиги устидан 6:2, 7:6 ҳисобида устун келишди. Яна бир истеъдодли теннисчимиз Оқгул Омонмуродова эса Италияда ўтказилган турнирнинг жуфтлик баҳсларида белоруслик Дарья Кустова билан бирга ғолиб чиқди.

ШАХМАТ. Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида «Donostia» шахмат фестивали бўлиб ўтмоқда. Мазкур турнир илк марта 1911 йил ўтказилган ва унда бўлғуси жаҳон чемпиони Хосе Рауль Капабланка ғолиб чиққан эди. Орадан 98 йил ўтгандан сўнг қайта тикланиб, бундан буён икки йилда бир марта ўтказилиши режалаштирилаётган бу йилги турнирда ФИДЕ экс чемпионлари Анатолий Карпов (Россия), Руслан Пономарев (Украина), Рустам Қосимжонов (Ўзбекистон) каби дунёнинг кучли ўн нафар гроссмейстердари иштирок этаяпти. Юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Қосимжонов иккинчи турда россиялик Петр Свидлер билан ўйнади ва 24 юришдан кейин дурангга имзо чекди. Учинчи турда испаниялик Франсиско Вальехога қарши кечган партияда ҳам дуранг қайд этилди. Шахмат фестивалида ҳозирча иккита ютуқ ва битта дурангга эришган АҚШ гроссмейстери Хикар Накамура пешқадамлик қилаяпти.

БОКС. Украинанинг Бердичев шаҳрида ака-ука Кличколар совринни учун халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда 9 мамлакатнинг кучли профессионал боксчилари иштирок этди. 57 кг. вазн тоифаси бўйича баҳсларда қатнашган ҳамюртимиз Бобур Ҳайитбоев халқаро мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди. Сардор Бегалиев (81 кг.) кумуш, Паҳлавон Ҳожиев (48 кг.) бронза медалга сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз учинчи ўринни эгаллади.

* * *

Қирғизистонда ўтказилган халқаро мусобақада юз нафарга яқин чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун жанг қилишди. Ҳамюртимиз Беҳзод Юнусов 69 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. 81 кг. вазнлилар баҳсида ғолиб чиққан Аҳрорбек Қурбонов эса халқаро турнирнинг энг яхши боксчиси деб топилди.

БИАТЛОН. Қирғизистонда ўтказилган ёзги биатлон бўйича Осиё кубоги учун кечган баҳсларда терма жамоамиз муваффақиятли иштирок этди. Спортчиларимиз қитъа кубогининг 11 та олтин, 14 та кумуш ва 4 та бронза медалига сазовор бўлишди. Жумладан, спортчимиз Мурод Ҳожибоев биттa олтин, иккита кумуш, Руслан Носиров биттадан олтин ва кумуш, ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда Анзур Юнусов учта олтин медални қўлга киритиб, терма жамоамиз муваффақиятига муносиб улуш қўшишди. Эришилган умумий натижалар сарҳисоби бўйича терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

МАЪНАВИЯТ

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МЕЗОНЛАРИ

Маънавият ва жамият, маънавият ва маърифат тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Жамият маънавиятсиз бўлмаганидек, маънавият ҳам жамиятдан ташқарида юзага келиши, ривожланиши асло мумкин эмас. Маънавият – шахс, инсон, халқ, давлат, жамиятнинг кучи ва қудрати, тараққиётини, имкониятлари ва истиқболларини белгиловчи ички ижобий, руҳий омил. Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг барча даврларида таълим-тарбия, маърифий ишлар тизими ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Тарбия, таълим замирида ётган ҳар қандай ғоя ижтимоий адолат, инсонпарварлик, демократия, ҳуқуқ мезонларига, илм-фан ютуқларига асосланмагандагина жамият маънавий камолотига ижобий таъсир этиши мумкин. Давлатнинг кучи ва қудратини маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларгина белгилайди. Маънавиятга эътибор берилмаган мамлакатда эса катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқирозлар юзага келиши муқаррар. Халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат, табиий бойликлари беҳисоб бўлса ҳам, ҳеч қачон буюк бўла олмайди. Маънавият инсонга хос бўлган онглиликнинг ижобий аҳамият касб этган ҳолдаги кўринишидир. Инсон ҳаёт тажрибаси, фаолияти, билими, илми, одоб-ахлоқи, хатти-ҳаракати билан ўзининг маънавий оламини бойитиб боради. Ақлан ва ахлоқан бойиб борган сари ўз олдига олижаноб вазифаларни қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилади. Ҳаракат эса маънавий заминни талаб қилади. Маънавий камолот жараёнида инсон характери тобланади. Шунга кўра, маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавиятсиз маърифатли, ривожланган жамият ҳам қуриб бўлмайди. Инсониятнинг маънавий камолоти имкониятлари ниҳоятда чексиздир. Маънавий камолот халқнинг тарихи, маданий мероси, миллий, умуминсоний қадриятларнинг моҳияти ва аҳамиятини билиш, улардан оқилона фойдаланиш, ривожлантириш билан боғлиқдир. Маънавият инсон қалбига она сутию ота ўгити, авлодлар тажрибаси, жамоатчилик таъсири, маданий мерос, умуминсоний қадриятлар орқали сингади ва ҳаёт тажрибаси сабоқлари асосида мустаҳкамланиб боради. Маънавий камолот жамият тараққиётининг муҳим таркибий қисми ва ҳал қилувчи омилидир. Инсон ақлан, ахлоқан такомиллашиб, фан ва техника ютуқларини, жамият тараққиёти тажрибаларини ўрганиб, ўзлаштириб борган сари маънавий омилларнинг жамият ҳаётига бўлган таъсири ошиб боради. Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг "Не ишким, қилмиш одамизод, тафаккур бирла билмиш одамизод" каби мисраларини эслатиб ўтиш жуда ўринлидир. Абдулла Авлонийнинг ёзишича, ақл-идрокнинг тантана қилишига ишонмоқ лозим, чунки, "Ақл инсоннинг пири комили, муршиди ягонасидир. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига бўйсунур..."

Мутафаккирлардан бири: "...агар ақлинг қўли нафсингни жиловини ушласа, сени ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур", деган. Маънавий камолотнинг имкониятлари ҳам тарихий тараққиётнинг барча даврлари ва шароитларида бир хил, бир меъёрда бўлавермайди. Шу боис ҳам барча илғор мутафаккирлар тарихий тараққиётнинг бурилиш даврларида маънавият масаласига катта эътибор берганлар, етилган муаммоларни ҳал қилиш учун биринчи навбатда халқнинг умумий маданий даражасини кўтариш керак, деб ҳисоблаганлар. Миллатни улуғлайдиган мезон ҳам унинг фаолиятига асос бўлган маънавиятидир.

Қадим-қадимдан маънавиятга таъсир этиш турлича мақсадларга эришиш, режаларни амалга оширишнинг асосий йўли, омили сифатида қаралган. Президентимиз айтганидек, бутун инсоният тарихида барча босқинчилар бирор мамлакатни босиб олиб ҳукмронлик қилиш, халқни асоратда ушлаш учун унинг маданиятига тажовуз қилганлар. Ўзининг тарихий мероси, анъаналари, қадриятларидан бебаҳра бўлган халқ манқуртга айланади. Маънавий қашшоқланиш лоқайдлик, пароканлалик, маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтиради, босқинчиларга қарши курашиш иштиёқини заифлаштиради, миллат ичидаги низо ва адолатсизликни авж олдиради. Бундай ҳол босқинчи ажнабийлар ҳукмронлиги мустаҳкамланишига, миллий зулм кучайишига олиб келади. Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих – халқ маънавиятининг асоси, ҳаққоний тарихни ўрганиш эса халқнинг юксак маънавияти асосини белгиловчи омил ҳисобланади. Келинг, энди тарихий далилларга мурожаат қилайлик.

Бундан 2700 йил муқаддам Хитой файласуфи Конфуций ўз императорига шундай деган экан: "ҳоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бўҳронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолатга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди". Юнон тарихчиси Геродот ҳам ўз асарларида истило қилинган мамлакатларнинг халқларини маънавий қашшоқлик ҳолатида сақлашга интилиш йирик давлатларнинг сиёсатида катта ўрин олганини кўрсатади. Марказий Осиёни босиб олган араблар ҳам ўз фаолиятини маҳаллий халқларни минглаб йиллар давомида шаклланган маданияти, урф-одатлари, динларини барбод қилишдан бошладилар. Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, араблар Марказий Осиёни босиб олган дастлабки даврлардан бошлабоқ маҳаллий динларни, диний марказларни, муассасаларни йўқ қилдилар, кўплаб маданий обидаларни вайрон этдилар, қўлёзмаларни ёқиб ташладилар. Улар шу ўлкада кўп асрлар давомида шаклланган, ривожланган суғд, хоразм ёзувларини ҳам йўқ қилдилар, бу ёзувларни билган одамларни ҳам қириб ташладилар. Бундай сиёсат натижасида маҳаллий халқлар ўзларининг бир неча минг йиллик маданияти, ёзувлари, динларидан маҳрум бўлдилар. Ўлкада маънавий бўшлиқ ҳолати юзага келди. Шўролар даврида миллий маданиятни, қадриятларни ўрганиш, тарғиб этиш чекланди, чегараланди. Халқнинг маданий мероси бўлган кўплаб қимматбаҳо қўлёзмалар йўқ қилиб юборилди ёки марказий шаҳарлардаги кутубхоналарга, музейларга олиб кетилди. Кўплаб архитектура ёдгорликлари диний тарғибот маркази деб бузиб ташланди ёки турли корхоналарга, омборхоналарга айлантирилди. Халқимизнинг буюк фарзанди Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти, қилган барча ишлари сохталаштирилди. Миллат ор-номуси, қадр-қимматини кўтариш, унинг манфаатлари тўғрисида фикр юритиш эса миллатчилик, деб баҳоланди. Ўн минглаб зиёлилар миллатчиликда айбланиб, қатағон қилинди. Миллий уйғониш миллий онгнинг юксалишига, бу эса ўз навбатида мустақиллик учун курашга олиб келишини собиқ тузум сиёсатчилари яхши англар эди. Шу ўринда жадидчилик ҳаракатига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жадидчилик миллатни маърифатли қилиш, маънавиятни юксалтириш мақсадларида юзага келган тарихий ҳаракатдир. Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла, Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Файзулла Хўжаев, Сўфизода,Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Исоқжон Ибрат ва бошқалар миллатнинг маънавий камолотини юксалтириш, унинг қадр-қимматини ерга уришга йўл қўймаслик борасида катта ишлар қилгани барчамизга маълум.

Мустақил Ўзбекистонда ҳам маънавиятга катта эътибор берилаётганини яхши биламиз. Юртбошимизнинг «Маънавият халқнинг, давлатнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир», деган сўзлари масаланинг қанчалик долзарб эканини кўрсатиб беради. Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида эса мазкур масала тарихийлик, илмийлик юзасидан чуқур ўрганилиб, мулоҳаза юритилган. Маънавият, таълим-тарбия ишларида кўзбўямачиликка йўл қўйиш, жамият ҳаётида амалга оширмаган ўзгаришларни бўрттириб кўрсатиш ҳам ниҳоятда хатарлидир. Бир мисолни таҳлил этиб кўрайлик. Бугунги кунда Ўзбекистонда тижоратчилик, ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантиришга, миллий армиямиз салоҳиятини ҳар томонлама оширишга катта эътибор берилмоқда. Тадбиркорлик учун, маълум шароитлар ва қонунлар ҳимоясидан ташқари, маънавий омиллар – етарли билим, тажриба, амалий малака, бурч ва масъулият туйғуси ҳам керак бўлади. Деҳқонга ер берилса, бирор киши корхонани сотиб олса, у бирданига унумли иш юрита оладиган тадбиркор, омилкор фермер бўлиб қолмайди. Тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг маънавий омилларини мустаҳкамлайдиган кенг кўламли маърифий, тарбиявий ишларни ҳам мунтазам амалга ошириб бориш керак. Ҳарбий хизматчи (аскар, сержант, курсант, офицер) ҳам ҳарбий кийимни кийиб олиб "мен ҳарбий хизматчиман, Ватан ҳимоячисиман", деган фикр билангина кифояланиб қолмай, балки ўз маънавий баркамоллиги йўлида мунтазам равишда изланиши, етарли билим, тажриба, амалий малака, бурч ва масъулият туйғусига эга бўлиши лозим. Чунки бугунги кун талабига кўра, ҳарбий хизматчи нафақат жисмонан бақувват бўлиши балки она юрти ҳимоясида доимий жанговар шайликда туриши, балки интеллектуал салоҳияти юқори бўлиши лозим. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, хусусан тарбиявий ишлар органлари офицерлари, клуб бошлиқлари, гарнизон офицерлар саройлари, ҳарбий-тарихий музейлар ва кутубхона ходимлари маданий-маърифий тадбирлар ўтказибгина қолмай, мунтазам равишда посбон маънавиятини юксалтириш йўлида изланишлар олиб бориши лозим.

Маълумки, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, ҳарбий таълим муассасаларида маданий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилади. Жумладан, Ватан мустақиллигининг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб турли тадбирлар жойларда ўтказилмоқда. Лекин баъзи ҳолларда маданий-маърифий тадбирлар қандай ўтказилганлиги тўғрисида ҳисобот сўралганда, фақатгина ойлик иш режасига киритилган тадбир мавзуси билангина чегараланиб қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шу ўринда тадбирларни ўтказиш жараёни қандай кечиши лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтсак. Биринчидан, тадбир режаси тасдиқланган йиллик истиқболли, ойлик режага асосан масъул шахс томонидан тузилади ва бошлиқ томонидан тасдиқланади. Иккинчидан, тадбир режасига кўра сценарий тузилади. Сценарийда тадбирга таклиф қилинган меҳмонлар (маърузачилар) ҳақида қисқача маълумот, маъруза мавзуси ва неча дақиқага мўлжалланганлиги кўрсатилади. Маърузалар орасида мусиқали ёки бадиий-адабий чиқишларни ҳам киритиш мумкин. Учинчидан, режа-сценарий асосида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-релиз (тадбир ўтказилишидан мақсад, иштирокчилар тўғрисида қисқача маълумот) тайёрланади. Тадбир ўтказилишида дастурхон тузаш (эсдалик совғалари, гулдасталар тақдим этилиши) ҳам кўзда тутилган бўлса, тегишли меъёрий ҳужжатларга кўра расмийлаштирилади, сарф-харажатлар рўйхати 3-5 кишилик комиссия томонидан тасдиқланган далолатномага кўра қайд этилади, тасдиқланади. Ва ниҳоят, масъул ходим томонидан тадбир қандай ўтказилганлиги тўғрисида ҳисобот тайёрланади ва бошлиқ томонидан тасдиқланади.

Бугунги кунда айниқса, маънавиятни юксалтиришга, маърифий-тарбиявий ишларни кенг кўламда амалга оширишга миллий армиямизда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги вазифаларни тўғри тушуниш ва бажариш, узоқни кўзлаб иш қилиш истиқлол ва истиқболимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Демак, маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, малакаси, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир.

Маърифат эса маънавиятнинг моҳиятини, аҳамиятини ўрганиш, тарғиб қилиш, таълим-тарбия ишларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар тизимидир. Ҳар қандай шароитда ҳам жамиятнинг маънавий камолоти, инсон шахсининг шаклланиши маълум мақсадлар билан боғланган маърифий тадбирлар орқали амалга ошади. Президентимиз айтганидек "жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир".

Дилором РАҲИМОВА,
Қуролли Кучлар Марказий музейи илмий ходими.



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. КАМАЛОВ, катта лейтенант Ё. ҲАКИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исломов ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 21700.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № 1-77-53.